

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALO ZIYOLILARI GAZETASI *

1931-yildan chiqa boshlagan

2003-yil 26-iyul, shanba

№ 60 (7565)



Ватан остонадан бошланади. Ватанни ўрганиш, унга нисбатан муҳаббат эса, болалиқдан шаклланади. Болалиқнинг сурурли дамлари эса, кўп ҳолларда болалар боғчасида, боғча опа атрофида кечади.

Тошкент шаҳридаги 53-мактабгача таълим муассасаси болажонлари тарбиячи Барно Саурбоева атрофига тўпланишиб, давлат рамзлари — байроқ ва гербни таърифлашмоқда.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

SO'NGGI UCH KUN MUJDAIARI

YANGI MAKTAB QURILDI

Gurlan tumanidagi Do'simboy qishlog'ida yangi boshlang'ich maktab barpo etildi. Birinchi sentabr kuni ushbu maktab ilk o'quvchilarini qabul qiladi.

Qoraqalpog'iston Respublikasi bilan ma'muriy chegarada joylashgan ushbu mahalla Xorazm viloyatining eng shimoliy aholi punkti hisoblanadi. Bu yerda 30 dan ziyod xonadon bor. 300 nafardan ortiq kishi yashaydigan ushbu qishloq aholisining qariyb uchdan birini maktab yoshidagi bolalar tashkil qiladi.

SIFATLI MAHSULOTLAR KO'RGAZMASI

«Poytaxt Sirg'ali savdo markazi» ochiq aksiyadorlik jamiyati Toshkent shahar hokimligi, Davlat mulkini boshqarish va tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash davlat qo'mitasi shahar boshqarmasi bilan hamkorlikda Sirg'ali tumanida mahalliy ishlab chiqaruvchilar mahsulotlari doimiy ko'rgazmasini tashkil etdi.

Milliy istiqlol g'oyasi

Эй адибо, яхши тадқиқ айлангиз ёзмишларим, Сатрларда қора эрмас, дийда гирёним чиқар.

Абдулла Авлоний — ҳар сахар «миллат» деб уйғонган, ҳар нафасини «миллат» учун фойдали сўзни айтиш учун симирган ўзбек адиб-педагоги эди.

бия ана шу омиллар рўйхатининг биринчи учлигида турса, ажаб эмас. Чунки «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидир».

«Абдулла Авлоний ким?» деганда унга хос шоир, драматург, муҳаррир, сиёсатчи, дипломат, маданият арбоби, терминолог олим,

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ

ёхуд миллий тарбия дарғаси ҳақида

Улкан шоир бўлгани ҳолда бор иқтидорини миллат, ватан равнақига бағишлаб ўтди. Унинг қалами севги, ёр ишқи мавзусида тебранмади. Ватан равнақи, ижтимоий ҳамкорлик, халқ фаровонлиги ва шуларни таъминловчи миллий тарбия ҳақида, маърифатга даъватни ёзди. Ана шунинг ўзи ҳам Авлоний ўзини миллий уйғониш гоёсига фидо қилиб қўйганлигини, ижоди эса бунинг исботи эканлигини эслатиб туради. Миллатни миллат қиладиган омиллар бўлади. Биз учун тар-

ёзувчи, мунаққид, педагог, адиб каби сифатларини эслаймиз. Ва буларнинг ҳар бири Авлонийнинг бир хислатини ёритади. Биз педагоглар фахр билан Авлонийга педагог сифатида қараймиз. Чунки А.Авлонийнинг умри, иши ижтимоий педагогик, яъни маънавий-маърифий мақсадга қаратилган эди. Қолаверса, ўзида драматург, дипломат, сиёсатчилик хислатларини жамламай туриб юксак маънода, Авлонийдек педагог бўлиш қийин.

(Давоми 3-бетда)

GAZETANI VARAQLAGANDA:

«СИЁСИЙ
ШАРҲЛОВЧИ ХОЛИС,
СЕЗГИР, ХУШЁР
БЎЛИШИ КЕРАК»

5-бет

ОТА МАБЛАҒ
МАНБАИМИ?

8-бет

НУТҚИ РАВОН БОЛА:

у ўз
муносабатларини
қийналмасдан
билдира олади

9-бет

«ҚУЁШ»
ЦИКЛОКРОССВОРДИ

16-бет

ТАЪТИЛДАГИ У НИМА БИЛАН МАШГУЛ?..

ЎҚУВЧИ

Албатта, жавоб тайёр. Улар маза қилиб оромгоҳларда дам олишяпти, тоғлар, гўзал манзаралар, зилол сувлар — табиатнинг барча ҳусну таровати мужассам манзиллар уч ойлик таътилда болажонларга мунтазир. Тўрт маҳал иссиқ овқат муҳайё, кундуз кунлари қизиқарли тadbирлар, турли мусобақалар, кечкурнлари эса ўйин-кулгу.

Бу — бизга таниш, ҳатто ёд бўлиб кетган манзара. «Ёз — ўтмоқда соз» — деярли кўпгиларнинг шиоибора бу. Биз вий ёзиш кечиб, оромгоҳдаги эмас, ташқаридаги ўқувчилар, уларнинг таътилдаги ишлари билан танишишни мақсад қилиб олдик, қолаверса, кундалик кўрган воқеаларимиз режалаштирилган давра суҳбатимизни мулоҳазали мавзуга айлантирди.

Bugunning mavzusi

БОЗОРДА

Ўғлим билан Юнусобод бозоридан сабзавот маҳсулотлари харид қилиб чиқаётган эдик. Бозордан чиқаверишда 12-14 ёшлар чамасидаги ёқимтойгина қиз бизга қараб: «2 килогина сабзи қолди, олиб кетинг-лар», деб қолди. Гарчи сабзи олган бўлсак-да, ундан «Қанчадан?» деб сўрадим.

— 100 сўмдан сотаётган эдим, майли, берганингизни беринг. Уйга кетишим керак, кеч бўлиб қолди.

— Майли, 100 сўмдан оламан.

Қиз хурсанд бўлиб кетди ва кичик қолдаги сабзининг ҳаммасини елим халтага солиб берди.

— Мактабда ўқисанг керак-а?
— 7-синфга ўтдим.
— Нега оромгоҳларга бормадинг?
Қандай дам оляпсан?

— Оилада 7 нафар фарзандимиз. Укам Хумсонга — тоғамникига кетди. Акам кўчада «Пол-корн» сотаяпти. Адам эрта саҳарда машинада бозорга келиб,

кўтарасига 3-4 қоп сабзи, бақлажон, 3-4 яшиқ помидор сотиб олади-лар. Кейин онам билан тушдан сўнг бозорга келиб устига кўп эмас, озгинадан қимматроқ баҳо қўйиб сотамиз. Онам уйга барвақт қайтадилар, биз боргунча овқат пишириб турадилар.

(Давоми 2-бетда)



SO'NGGI
UCH KUN
MUJDALARI

OLIV MAJLISIDA

Oliy Majlis Qonunchilik va sud-huquq masalalari qo'mitasining yig'ilishi bo'lib o'tdi.

Mazkur qo'mita raisi N. Ismoilov boshqargan yig'ilishda O'zbekiston Respublikasi Jinoyat-ijroiya kodeksi axloq tuzatish ishlari tartibidagi jazoni ijro etish tartibini nazarda tutuvchi normalarining qo'llanilishi samaradorligini Toshkent viloyatida o'rganish natijalari muhokama qilindi.

Qo'mita mazkur masala yuzasidan tegishli qaror qabul qilib, mavjud kamchiliklarni bartaraf etish bo'yicha tavsiyalar berdi.

OLIV XO'JALIK
SUDIDA

Oliy xo'jalik sudi Rayosatining kengaytirilgan majlisi bo'lib o'tdi. Unda respublika xo'jalik sudlarining 2003-yil yarim yillik ish faoliyati yakunlari hamda Prezidentimiz Islom Karimovning Yaqin Vazirlar Mahkamasining yaqinda bo'lib o'tgan majlisidagi ma'ruzasidan kelib chiqadigan vazifalar ijrosini ta'minlash chora-tadbirlari muhokama qilindi.

ORZULARI
USHALAYOTGAN
SAN'ATKOR

Yaqin kunlarda Yaponiyaning Soka universitetida atoqli o'zbek shoiri Alisher Navoiyning haykali qad rostlaydi. U kunchiqar mamlakatda nafaqat o'zbek mutafakkiri, balki butun Sharq allomalariga qo'yilgan birinchi haykal bo'ladi.

E'tiborlisi shundaki, mazkur haykal uchun e'lon qilingan tanlovda Ravshan Mirtojievning ijodiy ishi eng yaxshi deb topildi.

TUPROQQAL'ADA
KOLLEJ ISHGA
TUSHDI

Xorazm viloyatidagi Tuproqqal'a dahasida Hazorasp tumanidagi pedagogika kasb-hunar kollejining filiali ochildi. Bu yerda mahalliy umumta'lim maktablari bitiruvchilari va ularning ota-onalari uchun ochiq eshiklar kuni o'tkazildi.

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Бозордаги шовкин-сурондан чарчамайсанми?

— Чарчамайман, биз ҳар куни эмас, ҳафтада 2-3 марта бозорга келамиз. Одамлар билан муомалани, қандай қилиб пул топишни ўрганаёلمиз. Адам сешанба, жума кунлари ҳаммамизни "Бродвей"га олиб бордилар. Маза қилиб ўйнаб келамиз.

Бозорда мактаб ёшидаги болаларни кўп учратамиз. "Бозор болаларни бузади", "Бозор кўрган эчкидан кўр" деймиз. Балки бу мақоллар деҳқондан кўтара савдога олган махсулотларини 2-3 баробар қимматига сотиб, фойда кўраётган "учар"ларга нисбатан айtilса тўғридир. Аммо уйдаги махсулотини бозорда сотаётган, бекор юрмай оиласига фойда келтираётган, бозордаги бекатларда газли сув, музқаймоқ сотаётган "таътилдаги болалар" ҳақида сизнинг фикрингиз ўзгачадир? Бозор болаларнинг ҳаммасини ҳам уч ойлик таътилда ўзгартирадимиз? Ҳаётини мисоллар, кўрганларингиз асосида хулоса чиқариш ўзингизга ҳавола.

ДАЛАДА



Ташкент, Қибрай, Зангиота туманларидаги катта олмзор, кенг далалар ҳам "таътилдаги болалар" билан гавжум. Улар бугдой ҳосили йиғиб олинган майдонлардаги сомонни йиғиб олиш билан овора.

— Жазирама иссиқда сомон йиғиш қийин эмасми? — деб сўрайман уларнинг биридан.

— Қийин албатта, аммо керак-да. Катта қанорга сомонни босиб йиғамиз. Қишда сигир-бузоқларга тайёр озуқа. Чарчаганда сувга шўнғиб чиқамиз. Кечкурун футбол ўйнаймиз. Маза қилиб юрибмиз.

Олмзорда эса кўпроқ қизларни учратдик.

— Эрталаб чиқиб, олма теришга ёрдамлашамиз. Катта-катта қоғоз қоп (коробка)ларга олмаларни жойлаймиз. Тушликкача ишлаб, 8-10 килограмм олма олиб, уйга қайтамиз. Айрим кунлари бақлажон, помидор терамиз.

Хуллас, болалар ўз таътилдандан унумли фойдаланаяпти. Аммо Хумсондаги болажонлар ёнгиналаридаги қатор оромгоҳларда дам олаётган тенгдошларига ҳавас қилар эканлар. Улар тушгача эмас, эртадан кечгача далада банд экан. 2-3 чақирим йўл босиб, дам олиш уйлари, санаторийларга сўтқатик, қаймоқни эрталабки нонуштага етказиб бериш, кейин мол боқиш, хашак ғамлаш, ўт ўриш уларни биров толиқтирибди.

— "Бугунги қора тер — эртанги оқ дур" эмасми?

— Тўғри, меҳнат қилиш керак. Лекин таътилда шундай ёнимиздаги оромгоҳларда дам олишни ҳам хоҳлаймиз-да!

Болажонлар ҳақми? Балки тинимсиз меҳнат болани чарчатиб, энгил ҳаёт, осон пул топиш йўллари билан қизиқтириб қўяр? Эҳтимол, ҳар нарсанинг ҳам меъёри бўлиши керакдир?

КЎЧАДА

Пойтахтнинг гавжум жойларида қўлида челақ, доқа, кир ювиш кукуни, совун кўтариб турган ёки машинани ялтлатиб юваётган "таътилдаги болалар"ни, ҳатто айрим АЁҚШларидан махсус фартуқлар тақиб хизмат қилаётган, бензин қуяётган, машина ойнасини бир зумда ювиб бераётган қизларни ҳам учратаёلمиз. Шарқираб оқаётган ариқ сувидан фойдаланиб, ярим соатда пулини ҳалоллаб топаётган ўсмирлар оромгоҳдан бу ерни афзал топишяя-

ТАЪТИЛДАГИ
У НИМА БИЛАН
МАШГУЛ?..
ЎҚУВЧИ

ти. Ёки квартирасидан телефон аппаратини кўчага олиб чиқиб, пул топаётганлар ҳам хурсанд. Жазирама иссиқда бозор оралаб "яхна чой", "минерал сув" сотиб юрган болалар ҳам ишидан хафа эмас.

Шуларни кузатар эканман: "Нега ҳамма нарса пулга бориб тақалапти, болалар пулга нега бунчалик қизиқадилар?" деб ўйлаб қолдим. Бу аҳволда



миллат келажоги юксаладимиз? Катталар фақат бугунини эмас, эртасини ҳам ўйлашса бўлмасмикин? Бу саволга ҳам жавоб топарсиз?

СПОРТ
ТЎГАРАКЛАРИДА


Ёз йил катталарнигина эмас, болажонларни ҳам биров чарчатди. Жазирама иссиқда сувдан чиққингиз келмайди. Истироҳат боғларидаги чўми-

лиш майдончалари, фавворалар болалар билан гавжум. Ташкентдаги Митрофанов номидаги спорт-соғломлаштириш мажмуасида ҳам болаларни учратамиз. Спорт билан шугулланаётганлар ҳам кўп. Лекин... булар пуллик. Имконияти бор ота-оналар ойига 2000 сўмдан 10000 сўмгача тўлаб спорт мажмуаларига, махсус чўмилиш ҳавзаларига фарзандларини олиб бора-яптилар, чўнтаги "кўтармаётганлар"ни эса ўзингиз биласиз. Яқинда "Ўзбекистон" телеканалда намойиш қилинган "Яқин-йироқлар" ҳужжатли фильминини кўриб, Бухоро вилоятининг Олот туманидаги аҳвол билан танишиб, ўйла-ниб қолдим: "Пойтахтдаги "Диснейленд" истироҳат боғи, "Акуа" чўмилиш ҳавзаси, муҳташам ўқувчилар саройи, дискотекладаги кечалар... Булар — олис қишлоқдаги болалар учун "замонавий эртақлар" экан-да?!

"Афанди" газетасида чоп этилган "Ғаллаоролдан ҳам Роналдо чиқади-

ли, аммо китобхонлар кам. Шуниси қизиқки, компьютер ўйинлари билан банд болалар кўп. Қай бири фойдали? Ўйлаб кўраймиз.

Ажабланарли ҳол. Мактаб кутубхоналарига уч ойлик таътилда болалар деярли бормайди. Кутубхоналарда ҳам



таътил даврида уйда ўқиш учун бадий китоблар берилмайди. Шундай экан, бола қандай қилиб китобга меҳр қўйсин! Кутубхонадан "таътилдаги болалар"ни топа олмасак, дам олиш учун китоб ўқишни одатга айлантормаган бўлсак, болада нима айб?

ШОГИРДЛИҚДА

Бундай болалар ҳам кўп. Кимдир сартарошхонада, кимдир дурадгорликда, кимдир устахонада отаси, акаси ёки қариндошидан хунар ўрганмоқда. Назаримизда, бу фойдали. Ота касбини тутган фарзанд хор бўлмайди. Отаси ёнида тунука қоқишга, уйлари таъмирлашга ёрдам бераётган ёки бешик, уй-рўзғор буюмлари — хокандоз, чакич, теша, кетмон, жўва ва ҳоказолар ясаётган болаларни кўриб, "Баракат топ" дегингиз келади. Чунки "Хунарманднинг нони бутун", "Хунар, хунардан ризқинг унар" мақоллари ҳали эскирганича йўқ.



КУТУБХОНАЛАРДА

Афсуски, у ерда болажонларни учратмадик. Балки яхши китоблар йўқ дерсиз? Ундай эмас. Китоблар етар-

Р.С. Мана, таътилдаги болалар ҳаёти билан танишдингиз. Эътирозлар ҳам бўлиши мумкин, чунки таътил мароқли ўтиши учун туман (шаҳар) ХТБлари, мактаб раҳбарлари анчайин жон кўйдириб оромгоҳлар ташкил этганлар. Яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз, бу ҳолатни унутмаган ҳолда айрим жиҳатларни ҳам назардан четда қолдирмай, ота-оналар, устозлар эътиборига ушбу мақолани тайёрладик. Мақсадимиз, фақат ўқибгина қолмай, мақоладаги саволларга, мулоҳазали ўринларга муносабат билдирсангиз, фойдали бўларди.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
"Ma'rifat" муҳбири
Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

USAID БОЛАЛАР
ОРОМГОҲЛАРИДА

АҚШнинг Халқаро Ривожлантириш Агентлиги (USAID) жорий йилнинг 23 июлидан 10 августга қадар республикамиздаги оромгоҳларда дам олаётган мактаб ўқувчилари учун сувни тежаш мақсадида жамоат фикрини шакллантиришга қаратилган янги тадбирларни уюштирмоқда. Тадбирлар Марказий Осиё Табиий ресурсларининг бошқарувини Такомиллаштириш Дастури (NRMP) орқали ва "Биозоксан" ўқув-услубий маркази ҳамда маҳаллий экология билан шугулланувчи "Дилхуш" ва "Изланиш" нодавлат ташкилотлари иштирокида кенг миқёсда ўтказилмоқда. Тадбирлар ўқув материалларини тарқатиш, ижтимоий теле ва радиороликлари намойиши билан биргаликда олиб борилади.

— Ўтказилаётган тадбирлар сувни тежаш ва болалар соғлигини асрашга қаратилган. Биз тадбирлар мобайнида маълумотлар йиғамиз ва ижобий ўзгаришлар бўлишига кўмаклашамиз, — дейди шу хусусда миллий матбуот марказида бўлиб ўтган мулоқот чоғида USAIDнинг Марказий Осиё бўлими директори Жеймс Гоггин.

NRMP дастури АҚШ Фанлар академияси маълумотларига таянган ҳолда, сувни тежаш масалаларига бағишланган, ўз таркибидан сувнинг иқтисодий ва экологик аҳамиятига оид маълумотларни қамраган 2 та ўқув қўлланма ишлаб чиқди. Халқ таълими вазирлиги ушбу ўқув қўлланмаларни ўқитувчилар орасида тарқатиб, улардан синфдан ташқари машғулотларда фойдаланишга рухсат берди.

МММдаги мулоқот чоғида "Биозоксан" ўқув-услубий мажмуаси директори Р.Султонов бошланган ташаббус тадбирлардан кейин ҳам давом эттирилишини, дастур ва қўлланмалар маҳаллаларда, мактабларда татбиқ этилиб, ўқитувчилар учун ҳам янги бир қўлланма бўлиб қолишига ишонч билдирди.

Тадбирлар пойтахтимизда бошланиб, вилоятларда жойлашган болалар оромгоҳларида давом эттирилади. Оммавий тадбирлар "Обод маҳалла йили" да ободончиликка ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши, шубҳасиз.

Азиз НОРҚУЛОВ

Бундан икки йил аввал ЎЗМУ ҳамда Ўзувчилар уюшмаси ҳамжиҳатликда бир хайрли ишни бошлаган эдилар. Университетнинг ўзбек филологияси факультетига Ўзувчилар уюшмаси қошидаги "Олий адабиёт курси" ташкил топган эди.

Куни кеча Ўзувчилар уюшмасида мана шу курснинг илк қалдирғочларига сертификатлар топширилди.

Маросимни очар экан, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов жумладан шундай деди:

— Адабиёт маънавиятнинг энг асосий кўзгусидир. Адабиётнинг келажоғини таъминлаш, унинг истиқболини белгилаш учун қилаётган ҳар бир ишимиз ўзбек адабиётини юксалтиришга ҳисса қўшиши шубҳасиз. МДХ давлатлари орасида фақатгина Москва шаҳрида бўлган Олий адабиёт курсини Ташкентда очиб гоши бундан икки йил ав-

вал илгари сурилган эди. Натияжада Ўзбекистонда ҳам шундай билим маскани ташкил топди. Ўйлаймики, ушбу таълим даргоҳи ҳали узоқ йиллар фаолият юритиб, етук адабиётшунослар, шоирлар, ўзувчилар ҳаётида ўзига хос ўрин тутадиган маскан бўлиб қолади.

Курснинг саккиз нафар битирувчисига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги С.Фулмонов, ЎЗМУ рек-

СЕРТИФИКАТЛАР
ТОПШИРИЛДИ

тори Т.Долимов, Ўзувчилар уюшмаси раиси А.Ориповлар сертификатлар топширдилар.

Тадбир давомида юртимизнинг таниқли шоир ва ўзувчилари, профессор-ўқитувчилари сўзга чиқиб, илк қалдирғочларнинг келгуси ишларида омад тилаб, уларга катта ишонч билдиришди.

Маълумот ўрнида яна шунини айтиш мумкинки, бугунги кунда кўшни республикалардан ҳам мажмура курсда ўқиш истагини билдираётган ёшлар бор.

МУХБИРИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ёш Абдулла аввал мактабни, кейин мадрасани хатм қилади. Оренбург, Қозон, Тифлида чиқиб турган газета-журналларни мустақил ўқийди. Мирободда "усули савтия" мактабини очади. 30 ёшидан бошлаб матбуот ишлари билан шуғулланиди. Миллат маърифатини юксалтириш учун "Жамияти-хайрия"ни очиб, "Адабиёт ёхуд миллий шеърлар" тўпламларини чиқаради. 1913 йили 25 кишилик "Турон" театр труппасини тuzади. У сахналаштирган асарлардан бири "Уй тарбиясининг бир шакли" деб аталиши ҳам труппанинг ижтимоий педагогик мақсадини кўрсатиб туради.

Миллатпарвар Авлоний зорланиб, миллатни иллатлардан қутулишга ундайди. Унинг қалами тарбия, маърифат орқали миллатни юксалтириш орзуларини ёзиб фидо бўлди. Бирок, "орзулар (қан)от бўлганида одамлар пиёда юрмас эди", деган гап ҳам бор-да. Орзуларга эришмоқ учун миллат яқдил ниёт, чидам, матонат, тиришқоқлик билан тиниб-тинчимасдан изланиши, илмини ишлатиб, меҳнат қилиши керак. Ана шу фазилатлар камчилиги туфайли аллома миллатини ўз жигаридек, "тувғонларим" деб, суйганидан танқид қилади. Бирлашмай, илм-фандан орқада қолиб, мустамлака бўлмоқлик сабабли уни ҳатто "хонумони хароб", "бойқушларга ҳамдам" деб танқид қилади. Бунга сабаб – Туркистоннинг ўз ватанини мустақил қила олмаган фарзандларидир, демоқчи бўлади.

Авлоний миллий тарбиянинг назариётчи ва амалиётчи сифатида тарбия вазифалари сирасига Вужудни – қувватлантириш; Фикрни – нурлантириш; Ахлоқни – гўзаллаштириш; Зеҳни – равшанлаштиришни киритди.

"Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" risolasini ўзбек миллий тарбияси назарияси ва амалиётининг XX аср бошидаги кўзгуси, desa arziydi. Мажоз: бирор дори-дармоннинг айнан шу шакл, таркибда тайёрланишига сабаблар бўлади. "Туркий гулистон..."нинг ҳам. Назаримизда, адиб ўз асарига 32 та фазилат ва 20 та иллатга ҳам бежиз тўхталмаган. Унга кўра, "Туркистон мактабларида ўз шеваимизда ёзилмиш мукамал "Ахлоқ" китобининг йўқлиги миллатнинг шундай бир асарга ташна ва муҳтож эканлиги, ўзум муаллимлар жумласидан ўлдугумдан, бир неча муаллим биродарларининг илтижолари" бу оригинал, оммабоп педагогик китобнинг ёзилишига сабаб бўлган.

Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар"и ўзбек романчилиги тараққиётида қандай аҳамият касб этса, "Туркий гулистон..." миллий тарбия назарияси тарихида шундай аҳамиятга эга. Авлоний асарлари терминларини тушуниш ва тушунтиришда у қўллаган тушунча ва иборалар XX аср бошидаги ижтимоий педагогик тафаккурни акс эттиришини доим назарда тутиш керак. Орадан 100 йил ўтган. Ҳамма нарсалар каби тушунчалар маъноси ҳам ўзгариб, замонавийлашиб, бойиб, янги маънолар касб эта боради. Янгиланаётган ҳаёт янги тушунчаларни тақозо қилади. (XX асрда ясалган калит билан XXI асрда ясалган қулфни очиб бўлмайди. Бунинг учун қулф ҳам, калит ҳам 100 йил давомида ўзгармаган бўлиши керак. Бу эса мумкин эмас.) Демак, Авлоний меросидан бугун, XXI асрда самарали фойдаланиш учун

унга XXI аср воқелиги, илмий педагогикаси эришган технологик ютуқлар нуқтаи-назаридан, прагматик ёндашмоқ керак. Ана шунда Авлоний гоёлари айтилувдан жорийлашув даражасига кўтарилади, ҳақиқий маънавий-маърифий фойда келтира бошлайди.

Эскича фикрлаш иллатлари нафақат сиёсий тафаккурда, балки ижтимоий педагогик тафаккурда ҳам бор. Болаларни тарбиялаб, ота-оналарни тарбияламаслик бу – бир ишни ўнг қўл билан тузиб, чап қўл билан бузишга ўхшайди. Чунки бу ҳолда мактабдан келган янги тафаккурни уйда кутиб турган эски тафаккур бўғайди: боласига мустақил дарс тайёрлашни ўргатиш ўрнига муаллими билан гаплашиб, баҳосини кўтариш; фарзандини меҳнат, илм билан бой-бадавлат бўлишга ўргатиш ўрнига нақд бойлик бериш; боласига ўргатиш ўрнига кўйлагининг тугмасини ўтказиш, туфлисини тозалаб кўйиш; 10-12 ёшли бола учун 2-3 қаватли иморат солиб кўйиш; боласининг феъл-атворини доимий кузатиб, таҳлил

синча, бекорчилик, қалб дангасалиги, лоқайдлик барча ғам-ғусса, армонларга доялик қилган. "Бекорчиликда одамнинг ниёти, қалби ва ахлоқи бузила бошлайди", деган эди отахон педагоглардан бири. Яна бир аллома "Кимда тинч, беғам, боқиманда, шохона ҳаёт истаги бошқа истакларидан кучли экан, у аянчли нарсага айлана боради. Ундаги "бахт" тушунчаси остида қалб дангасалиги, фикр қашшоқлиги яширинган бўлади. Бу эса одамнинг ижодкорлик, яратувчанлик табиати га мутлақо зиддир", деган эди.

Авлонийнинг педагогик қарашларидаги асосий хусусият – тарбияга устуворлик беришда. У кўтарган "Тарбия бизлар учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидир" шиори миллатнинг бугуни ва эртаси қандай бўлишига бевосита таъсир қилади. Шу боис бу фикрга Президентимиз Ислам Каримовнинг "Тафаккур" журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобларида алоҳида эътибор қаратганликлари бежиз эмас. Дарҳақиқат, бу ёндашув

Давронбек хорижда етти йил ўқиб адвокат бўлиб қайтади. Халқининг фуқаролик қоидалари, давлат қонунлари, ҳуқуқий тартибларни яхши билмаслигини аниқлаб, ёрдам беради. Ҳуқуқий муаммоларни ечиш йўллари кўрсатади. Шартномаларни билиб ёки билмай бузишнинг, лабзсизликнинг ёмон оқибатларини ҳаётий мисоллар билан очиб, тушунтириб беради.

Абдулла Авлонийнинг инсон, фаол фуқароликни, малакали миллатни тарбиялаш ҳақидаги қарашлари жаҳоннинг тараққийпарвар гуманист педагогларининг қарашлари билан ҳамоханг. "Немис педагогикаси аввал инсонни, ундан кейин Германия фуқаросини ва юксак малакали сафдошларни шакллантиришни талаб қилади" деган эди А. Дистервег ўзининг 1835 йил ёзган "Немис ўқитувчиларини тайёрлашга доир кўлланма"сида.

Авлоний миллий тарбия назариясига улкан қисса қўшди. Бу унинг қаламига мансуб "Алифбе"сига қўйган принципларида ҳам мужассам этилди. Яъни: "шоғирдлар учун;

тушунчаларини бир-бирига тенг тушунчалар даражасида талқин қилади. Мана: "Тарбия, "педагогика", яъни бола тарбиясининг фани демакдир. Илми ахлоқнинг асоси тарбия ўлдугидин шул хусусда бир оз сўз сўзлаймиз. Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак, танини пок тутмак, ёш вақтидан маслақини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан асраб ўстирмакдир..." (Тошкент тонги, 243-бет) дейди ва бунда тарбиячи табиб каби ишламоғи керак, дея таъкидлайди.

Педагог ижодида умуммиллий гоё, умумий бир идеал ва унга етиш йўлини аниқлаб олиб, унга интилишга даъват бор ва у замон шиддати билан боғланади:

Замоннинг одатидур илм-сиз инсонлари ютмак,

Абас бир гоёсиз дунёи

фундан яхшилик кутмак.

Керак бир маслаку бир гоё

у идеални тутмак,

Биз бир йўлни ушлаб нури

мақсуда бориб етмак.

Нега?! Чунки:

Бало тоши ёғилди боши-

мизга хоби гафлатдан,

Мижози суст ўлиб авлод,

миллат тушду қувватдан.

Билимсизлик тушурди,

йикитди бизни кадр-қимматдан,

Жаҳолат қувди бизни,

хону-мону молу сарватдан.

Адиб ҳаёт, иш, турмушни илм-фан асосига қуришни, илмнинг раҳнамо бўлишини орзу қилади.

Алломанинг болани "ёш вақтидан маслақини тузатмак" деган ибораси ёшларимизни миллий истиқлол гоёси руҳида тарбиялашда ўта аҳамиятлидир. "Маслак" сўзи "сулук", яъни йўл, тариқат, назария, гоёвий йўналиш деган маъноларда келади. Демак, гоёвий, мафқуравий тарбияни бола ёш вақтидан йўлга қўйишни васият қилади Авлоний. Собиқ шўро педагогикаси маслақ деган сўзни билмас, билишни ҳам истамас эди. Шу сабабли бу сўз унинг луғатидан ҳам ҳайдаб чиқарилди. Миллий истиқлол бизга ўз миллий гоёмизни ва ўз болаларимизни ўз гоёларимиз асосида тарбиялаш ҳуқуқини ҳам берди. Чунки "гоёвий заифлик ва мафқуравий беқарорлик миллатнинг бирдамлиги, давлатнинг қудратига путур етказиши, унинг тараққиётини орқага суриб юборади..."¹

Ҳа. Авлоний армонларининг ушатиши учун Ўзбекистон мустақил бўлиши керак эди. Агар у тирик бўлганида ўзининг ўқисик қаламини қайтадан чархлаб, бахтиёр газаллар битган бўларди. . .

Зеро, унинг "Ҳақиқат ўлсун бу хаёл" (1915) шеъридаги орзулари ушалмоқда: миллат кайфу сафони ташлаб, меҳру вафони бошлаб, иш ишлаб, нури зиёни ушламоқда, жаҳолатдан кечиб, илм ўйини оғушлаб, огоҳ бўлиб, гафлатнинг бошига муштламоқда.

Аҳдмимиз тиник: "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!"

Муҳаммад ҚУРОНОВ,
педагогика фанлари доктори

1 Миллий истиқлол гоёси: Асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: "Ўзбекистон". 15-бет.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ

ёхуд миллий тарбия дарғаси ҳақида

қилиб, рағбатлантириб туришдан кўра, кўғирчоқдек ясангириб, кўз-кўз қилиш иштиёқи ва ҳоказо.

Бундай ота-оналар фарзандига ёмонлик қилаётганликларини билмаяптилар. Яъни бола мустақил фикрлаш, мустақил қарор қабул қилиш, мустақил бир ишни бошлаб, уни охирига етказиш масъулиятини ўз зиммасига олишга ўргатилмаётгани жуда ёмон. Айрим ота-оналар ўзлари билиб-билмай худбин, на ўзи, на ота-онаси, на миллат учун қаттиқ меҳнатга лаёқатсиз, чақчайган нотавонларни боқаяптилар. Бу бизнинг мустақил фикрловчи, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган ёшларни тарбиялашдек сиёсатимизга ҳам, ўша ота-она кутаётган орзу-ҳавасларга ҳам зид.

Ўғлингизни ўқитмоққа

бўласиз айёр-ўв,

Тўй қилсангиз, ош бер-

моққа ақчангиз бисёр-ўв.

Кулгай бизнинг бу ишлар-

га бошқа миллатлар-ўв,

Пул сарф этиб, ҳажвий

бўлмак бизга не даркор-ўв.

Авлонийнинг "Биринчи" ва "Иккинчи муаллим" китобларидаги матнлар ўта ҳаётий, содда, тили равонлиги билан мафтун қилади одамни. У болалар билан болалар тилида сўзлашади. Ҳар куни болаларнинг кўзи тушади парранда-дарранда, пашша, сичқон, зағча, каптар, хўроз, ари, чумоли, тут дарахти каби нарсаларни "гапиртиради".

Меҳнат ва ижтимоий фаоллик барча замон ва миллатларда инсон бахтининг боиси бўлиб келди. Ак-

бугун учун ўта зарур.

Тарбия ёшларда билим, фазилатларга, янгиликлар яратишга ички чанқоқликни шакллантириши керак. Ана шунда чанқоқ одам муздек сувни қанчалик сидқидилдан смирса, ўсмирнинг ўзи миллат, ватан учун фойдали нарсаларни шунчалик сидқидилдан қидиради, демоқчи бўлади Авлоний ва у ҳақ. Афсуски, бу тамойилни ҳаётга қўллашда ташаббусни ўтган асрда бошқалар илиб кетди.

Бир мисол. 50 йиллар: "Sony" директори Масору Ибуко маслақдошларини "Ҳеч ким қилмаган ишни қилиш. Бошқалардан ҳеч бўлмаганда бир қадам олдинда юриш" шиори остида ишлашга даъват қилди. Ишлашди. Дунёдаги энг кичик микротелевизорни яратишди. Биринчи телевизорни кўрганида Ибуконинг кўзлари жиққа ёшга тўлган экан. Бу Авлоний ўғитларининг, афсуски, бошқа дийрдаги ижобати, тантанаси эди.

Авлоний ижодиёти мавзулари бугун миллий истиқлол гоёси тарғиботи самарадорлигини оширишда ажойиб ижтимоий педагогик манаба бўла олади. Мисол учун бугунги куннинг энг долзарб ижтимоий-тарбиявий муаммолари сифатида тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўргатиш, диний ақидапарастларнинг ниқобларини йиртиб, уларнинг тубан, аянчли башараларини фош қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишни олиб қарайлик.

Авлонийнинг "Адвокатлик осони?" (1916)асарида ўзбек йигити

энг осон усул ила; Туркистон шева-синда; очик; енгил тилда; тадрижий; тартиб этилмиш" таълим мазмунини асослаб, жорий қилади. Авлоний алифбедан бошлаб яхшилик ва ёмонлик, фазилат ва нуқсонни солиштириш, фазилатни эъзозлаш ва нуқсонни қоралашдек миллий тарбия принципини ишга солиб юборади. Бу билан Авлоний миллий тарбия назариясига ва уни модернизациялаштиришга улкан қисса қўшди. Миллийлик, тарихийлик, замонавийлик ва истиқболга йўналтирилганлик талабларини ўз ёндашувида мужассам қилди. Бу нимада намоён бўлди? Шарҳлаймиз. Тарихийлиги – яхшиликка ундаб, ёмонликдан қайтариш барча динларнинг тарбия тамойилларига бориб тақалади. Бу тамойил ҳозир — 2003 йилда ҳам ҳар жума намозларида, эҳсон таъзияларда имом хатибларимиз томонидан қўллаб келинмоқда. Авлоний уни диний қобик билан чегаралаб қўймади, дунёвийлаштирди. Миллийлиги – ўзбек ҳаёти, маънавияти базасига қурилганлигида; Замонавийлиги – ҳозир, жаҳонда ва шу ерда содир бўлаётган педагогик далилларга қурилганлигида; Истиқболга йўналтирилганлиги – агарда таклиф этилаётган хулқ-атвор моделига амал қилинса, бунинг натижаси қандай бўлишини кўрсатиш, тасвирлашда намоён бўлади.

Авлонийнинг тарбия назариясига оид фикрлари педагогика фанининг объектига хос миллий хусусиятларни аниқ-тиниқ қилиб беради. Устоз "тарбия" ҳамда "педагогика"

Taassurot

Умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг олган назарий билимларини янада мустаҳкамлаш, амалиётга татбиқ этиш ва касбга йўналтиришда экскурсия (саёҳат) машгулотлари ўтказиш таълим самарадорлигини

билан танишдилар. Улар астрономия тарихи ва унинг ҳозирги кундаги инсонлар ҳаётидаги аҳамиятига оид билимлар билан таништирилди. Жумладан, она заминимизда фанларнинг юзага келиши, астрономия тарихи ва уни ривожлантиришга улш қўшган олимлар, хусусан, буюк

лари бўлган электрон, протонлар оқими қуёшдан келиши ва заминимизга таъсири, магнит бўронлари тасвирларини кўриш; шунингдек, ўзларини қизиқтирган саволларга олимлардан жавоб олиш ёшларга беқиёс завқ-шавқ берибгина қолмай, Она заминни, Ватанни янада севишга,

очик, юлдузлар аниқ кўринадиган обсерватория — бу Қашқадарё вилоятидаги Майданак обсерваторияси ҳисобланади. Франциялик Сайз Коллин хоним 1997 йилда бу ерга келиб, юлдузларни текшириб, само сирларини ўрганган эди ва бу борадаги ажодларимиз илмини эътироф этганди. Соҳибқирон Амур Темурнинг ҳам юлдузлар илмига қанчалик ихлос қўйганию, суюкли набираси Мирзо Улугбекнинг жаҳондаги мукамал юлдузлар харитасини яратгани миллатимизнинг нималарга қодир эканига мисол бўла олади. Хуллас, ажодлар илми ва руҳидан мадад олган ёшлар келгусида нафақат спорт, балки фаннинг бошқа соҳалари билан биргаликда астрономия фани бўйича ҳам жаҳон миқёсида юқори натижаларга эришишига ишончимиз комил.

Марям ЖУМАНИЕЗОВА,
ЎзПФИТИ илмий ходими

ФИЖДУВОНЛИКЛАР ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ШАЙ

Айни дамларда мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида янги ўқув йилига тайёргарлик қизгин давом этаётир. Айримлари эса бу вазифани уддалаб ҳам бўлишди. Хусусан, Бухоро вилояти Фиждудон тумани халқ таълими бўлимига қарашли мавжуд 62 та умумий ўрта таълим мактаблари янги ўқув йилига тайёргарлик ишларини тугатди.

— Туман ХТБ ходимларидан тузилган ўн нафар ишчи гуруҳи аъзолари барча мактаблар фаолиятини қирқта кўрсаткич бўйича таҳлил қилиб чиқдилар, — дейди Фиждудон туман ХТБ мудирини мовини Гулчеҳра Болтаева. — Таҳлиллар натижасига кўра, тумандаги 21-мактаб ҳамда 62-иктидорли болалар мактаб-интернати янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш бўйича биринчи ўринни эгаллашди. 21-мактаб жамоаси энди «Йил мактаби» кўрик-танловининг вилоят босқичида иштирок этади. Тайёргарлик ва қўшимча синф хоналарининг қурилиб, фойдаланишга топширилишида бир нечта ҳомий ташкилотларнинг ҳам ҳиссаси бор ва уларга мактаблар жамоаларию ота-оналар ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Шерали МАҲМАРАЙИМ ўғли

САМО СИРЛАР УММОНИ

оширишнинг муҳим омилларидан бири саналади. Яқинда пойтахтнинг Яққасарой туманидаги 73-мактабнинг 24 нафар 9-синф битирувчиларининг Фанлар академиясига қарашли Мирзо Улугбек номидаги астрономия институтида бўлишгани ҳам шундан далолатдир.

Институтнинг етакчи олимлари ўқувчиларни мамнунлик билан кутиб олдилар. Сўнгра ўқувчилар институт қошида ташкил қилинган музей

бобокалонларимизнинг астрономияга қўшган ҳиссалари, 1873 йил 11 сентябрда Тошкентда Астрономия обсерваторияси (ҳозирги астрономия институти)нинг ташкил қилиниши; астрономик асбоблар: вакуумли, матиятлик соатлар, телескоплар ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, институт боғидаги катта телескопда қуёш доғларини ўз кўзлари билан кузатиш, бутун мавжудотнинг асосий элементар заррача-

коинот сирларини кенгроқ ўрганишга ундади.

Саёҳатдан катта таассуротлар билан қайтган ёшларнинг тўлқинланганликларини кўриб, педагог ва психолог олимларнинг «кузатувчанлик — илмий билишнинг асосий шарт», «идрок қилишнинг асосий тури бу кузатишдир», деганларида қанча маъно мужасамлигини яна бир бор англадик.

Маълумки, она заминда йил давомида кечаси энг кўп (145 кун) ҳаво

Ёшларимизнинг юксак маънавиятли бўлишида санъат, жумладан, театрнинг ўрни беқиёс. Ахир, бежизга театр — маънавият ўчоғи, тарбия маскани дейилмаган-ку! Биз фарзандларимизга санъатга мухабатни бешикданок сингдираамиз. Чунки санъатнинг моҳияти эзгуликка йўғрилган. Алла ҳам санъатнинг буюк мўъжизаси.

Биз катталар баъзан ўз сўзимиз, хатти-ҳаракатимиз билан етказиб беролмайдиган ҳаёт сабогини ёшлар театрдан оладилар. Чунки сахна — ҳаёт ойнаси. Агар бирор сахна асарини кўриб, ундан ёшлар ўзи учун нимадир ололса, салбий иллатларни ажрата олса, ҳаётга бошқачароқ назар билан қарай бошласа, демак,

МАЪНАВИЯТ ЎЧОҒИ

театр ўзининг муҳим вазифасини ўтаган бўлади. Асримиз бошидаги маърифатпарвар адиблар, миллат жонқуярлари юртимизда театр ишига бежизга катта эътибор билан қарамаганлар. Биргина Абдулла Авлоний ташкил қилган «Турон» театр — труппаси бунга ёрқин мисол бўла олади.

Лекин, охириги пайтларда театрларга томошабинларнинг ташрифини кўнгилдагидек деб бўлмайди. Фарзандларимизни ёшлигиданок спектакллар томоша қилиш, маънавий дунёқарашларини бойитиш, маданиятга, эстетикага ўргатиб бориш вақти келмадимикин? Республикамызда театр сахналарида бой тарихий меросимиз, анъанаю удумларимиз, тилимиз, динимиз, адабиётимиз, буюк ажодларимиз фаолияти акс эттирилган спектакллар кўлаб сахналаштирилган. Бу сахна асарларидан хоҳлаган ёшдаги томошабин керакли маънавий озуқа олади, деб ўйлайман. Оилада, боғчада, мактаб, лицей ва коллежларда, қолаверса, бошқа ўқув юртларида ёшларнинг театрларга ташрифларини уюштирмақ лозим. Бу эса, албатта ўз мевасини беради.

Ўринбой БОБОЁРОВ,
1-Тошкент педагогика коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари



Пластмасса билан ишлаш болалар ижодкорлигини, фантазиясини оширади. Шунингдек, улардаги қўл ҳаракатларини ривожлантириб, боғчадан мактабга кўникма ҳосил қилган ҳолда чиқишларига ёрдам беради. Андижон вилоятининг Олтинкўл туманидаги 2-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Зулфизар Кўшоқова ҳам болалардаги ана шу жиҳатларни ёрқинроқ юзага чиқариш мақсадида ҳаракат қилапти. Бу ҳаракатлар самараси эса, албатта келажакда кўринади. Чунки, болаларнинг ўрганганлари ўзларига фойдалидир.

Бурҳон РИЗО олган сурат.

БЎЛҒУСИ ОЛИМЛАР

бугун академик лицейларда ўқишмоқда

Илм—ҳазина, уни қидириб топган инсон эса хазинабон ҳисобланади. Зеро, илм турли даврларда таракқиётнинг негизи ҳисобланиб, кишиларни истикболга, янгиликка элтувчи восита бўлиб келган. ЎзМУ қошидаги С.Раҳимов академик лицейининг табиий фанлар йўналиши яқинда ташкил этилганига қарамай, қатор ижобий ўзгаришларни кўлга киритди. Лицей университетнинг биология-тупроқшунослик факультети билан илмий-амалий ҳамкорликни йўлга қўйди.

Бу ўқув масканида ўқувчилар университет, Ўзбе-

кстон Фанлар Академияси етакчи олимлари, мутахассислари билан учрашиб туришади. Фан ва техника ютуқлари, муаммолари ҳақида маърузалар тинглаш одатий тус олган.

Ўқувчиларнинг табиий фанларга бўлган қизиқишлари, айниқса маъруза қилувчиларнинг илмий изланишга бўлган чанқоқликларини турли манбалардан фойдаланиб тайёрлаган рефератлари орқали баён қилиши, савол-жавоб, баҳс-мунозарада ўзларини эркин туттишлари ўқитувчиларни ҳам қониқтиради. Айниқса, 1-курс ўқувчиларидан Нав-

қирон Боймуродовнинг «Доривор исириқ ва унинг хосиятлари», Афзал Бобоевнинг «Алкоголизм ва унинг асоратлари», Мансур Ражабовнинг «Минерал ўғит ва экология», Баҳодир Бобононовнинг «Икки денгиз нидоси» каби маърузалари яқинда бўлган анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Бундай ёшлардан келгусида етук, забардаст олимлар етишиб чиқишига умид қилиш мумкин.

Маъмура ТЎРАЕВА,
ЎзМУ қошидаги Собир Раҳимов академик лицейи ўқувчиси

БОҒЧА ОПАЛАР БЕЛЛАШДИ

Яқинда туманимиз марказида жойлашган Усмон Юсупов номидаги 14-ўрта мактабда «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ, педагог ходимлар билан ишлашни юқори савияга кўтариш, «Учинчи мингйилликнинг боласи» давлат дастурининг бажарилиши, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, рақобатбардош, ўз ишини севувчи, моҳир тарбиячиларни аниқлаш, уларнинг мавқеини ошириш мақсадида «Йил тарбиячиси—2003» ҳамда машгулотларда ўйинчоқларнинг ролини ошириш мақсадида «Севимли ўйинчоқлар»

Tanlov

кўрик-танлови ўтказилди. Бу икки танлов ҳам қизгин, ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлди. Танлов ҳақиқий билимдонлар, зукколар беллашувига айланди. Ниҳоят, голиблар ҳам аниқланди. «Йил тарбиячиси—2003» танловининг голиби деб «Қувонч» болалар боғчаси тарбиячиси Гулбаҳор Жуманова, «Севимли ўйинчоқлар» кўрик-танлови голиби деб эса, «Наврўз» болалар боғчаси тарбиячиси Наргиза Султонова-лар танланди.

Кўрик-танлов сўнгида юқори ўринларни эгаллаган тарбиячиларга турли қимматбаҳо совғалар топширилди.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, совғалар таълим-тарбиянинг ҳақиқий маъносини тушунадиган инсонлар томонидан тақдим этилди. Туман молия бўлими, туман маданият бўлими, туман алоқа бўлими, туман марказий шифохонаси, туман электр тармоқлари жамоаси ҳамда П.Искандаров, А.Маҳмудов, А.Маманазаров, М.Мухторовлар оиласи шундайлар жумласидандир.

Эндиги навбат вилоят, сўнгра республика босқичига. Унда ҳам туманимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга ҳозирданок киришдик.

Малика ТУРСУНМУРОВОВА,
Ш.Рашидов тумани мактабгача таълим муассасалари методисти

Сиёсий шарҳловчилар оммавий ахборот воситаларининг зарбдори, жанговар гуруҳидир. Уларнинг масъулияти катта, юмуши оғир. Мустақил мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсати олий мақсадларини таҳлилий асосда ёритиш ва тушунтириш, дунёнинг олис қитъаларидаги воқеаларни шарҳлаш, маълум хулосани тақдим этиш журналистиканинг бу йўналишида фаолият юритаётганлардан алоҳида масъулият, изланиш ва албатта ҳушёрликни талаб қилади.

Талъат Солиев... Бу шарҳловчининг номини кўпчилик билади. Унинг сиёсий шарҳловчи сифатидаги умумий тажрибаси 40 йилдан кам эмас.

— Талъат ака, сиз журналистикадаги алоҳида бир йўналишнинг “пир”ларидансиз. Айтинг-чи, сиёсий шарҳловчи ҳам ҳамма ижодкорлар каби ми ёки унинг олдида кўйиладиган муҳим талаблар борми?

— Шарҳловчи шов-шувга, ўткинчи, тасодифий воқеаларга ўч бўлмаслиги, сохта обрў орттириш йўлидан одимламаслиги даркор. Сиёсий шарҳловчининг узоқ ўтмишда Александр Македонскийнинг қандай рангдаги от минганлиги ёки бўлмасам, биллурнинг товганиши эмас, аксинча, биллур нимадан тайёрланиши қизиқтириши керак. Мамлакатлар ва халқлар ҳақида илиқ ва хотиржам, ёрқин, дунё муаммолари тўғрисида ҳолис фикр билдириш ўринлидир. У ҳар доим сиёсат миллионларнинг тақдири эканлигини унутмаслиги лозим.

— Ҳаётда сиз нимани кадрлайсиз?

— Мен кадрлайдиган нарсалар жуда кўп. Болаларни жуда яхши кўраман. Серфарзанд оилада катта бўлганим учун ниҳоятда болажон одамман. Болалик деган ширин дам мени ҳамон тарқ этмагандай. Шунинг учун бўлса керак, дунё болаларининг ташвиши менинг ташвишим, уларнинг бахти менинг бахтим. “Гулхан” журналида, қатор матбуот нашрларида босилган кўплаб мақолаларим ҳам бунга мисолдир. Африка, Осиё мамлакатларида ёки Европа давлатларида бўлганимда ҳар доим болалар ҳаёти, уларнинг тақдири билан қизиққанман. Афсуски, юз миллионлаб жаҳон болаларининг бугунги ҳаёти ҳамон аянчли аҳволда қолаётди. 8, 9, 10 ёшли болалар мактабда ўқиш ўрнига тиркичилик билан банд бўлиб қолаётди. Иқтисодий ночорлик, турмуш қийинчиликлари, камбағаллик ва қашшоқлик, кичик урушлар, маҳаллий ҳарбий тўқнашувлар норасидалар ҳаётини аянчли аҳволга солиб қўймоқда. Ҳозирги вақтда дунё бўйлаб 300 минггача 10-11 ёшли аскар болаларнинг борлиги маълум. Кўплаб болалар оғир жисмоний меҳнатга ҳам тортилаётирлар.

Ҳолбуки, инсоният ўзининг келажаги ҳисобланган болалар учун гўзал ҳаёт яратишга масъулдир. Бу борада болалар ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этувчи бир неча халқаро битимлар бор. Мароккашдаги гилам тўқиш корхонасида 70

ёшли одамлар билан ёнма-ён ишлаётган 7 ёшли араб болаларини кўрганимда, қалбим азобланган эди. Африкадаги тиланчи болаларни айтмайсизми?

— Юртимизда эса болаларга нисбатан ғамхўрлик кўрсатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган...

— Тўғри, дунёнинг кўплаб мамлакатларида болалар тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсатининг бош йўналишидир. Бизнинг ёш, мустақил давлатимизда шахсан Президентимиз кўрсатмалари, савй-ҳаракатлари туфайли болалар учун турли-туман ғамхўрликлар кўрса-

Талъат СОЛИЕВ:

«СИЁСИЙ ШАРҲЛОВЧИ ҲОЛИС, СЕЗГИР, ҲУШЁР БЎЛИШИ КЕРАК»

тилмоқда. Етти ёшдан умумий ўрта таълимга жалб қилинадиган болалар учун спорт иншоотлари, шифохоналар, санаторийлар, оромгоҳлар, қолаверса, касб-хунарга ўргатувчи турли марказлар мавжуд.

— Талъат ака, сиз тўғривизда ёзилган мақолалардан бири “Машхур бўлиш осонмас” деб номланган. Сиз машхурликнинг “юки”га қандай қарайсиз? Ёки бу катта масъулиятми?

— Албатта, бу катта масъулиятдир. Таниқли, эл назарига тушган кишилар учун яшаш ҳар доим енгил кечмаган, осон бўлмаган. Улар ҳар бир қадамларини ўлчаб босишлари керак бўлган. Машхурлик эса нисбий бир нарсадир. Инсон ҳамиша оддий бўлиб қолиши лозим. Шунда саҳнага чиқиш ҳам, сахнадан тушиш ҳам осон кечади.

Маълумки, жонажон Ўзбекистонимиз осмонда мустақиллик қуёшининг қалқиб чиққанлиги биз сиёсий шарҳловчиларга қўш қанот бахш этди. Кечаю кундуз ана шу мустақилликка хизмат қилиш, мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг олижаноб мақсадларини кенг тушунтириш, жаҳонга кенг ёйиш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Мен нокамтарлик бўлса ҳам айтмай. Ёшлигимда дипломат

Мехмонхона



бўлишни орзу қилганман. Лекин сиёсий шарҳловчи бўлиб етишдим. Назаримда, ушбу икки касб ўртасида жуда кўп ўхшашликлар бор. “Дипломатия тарихи”, “Дипломат луғати” сингари китоблар китоб жавонимни безаб турибди. Лекин ҳозиргача сиёсий шарҳловчилик институти тўғрисида мукамал асарлар дунёга келганича йўқ.

— Ҳар қандай соҳада устоз-шогирдлик аънана-

фар ва Собиржонлар билан бекинмачоқ ўйнаганларимиз... Сал-пал ақлимизни таний бошлаган кезларимизда ҳам аям бизга уйқу олдида алла айттарди. Оламда она алласидан ҳам сеҳрлироқ, жозибалироқ кўшиқ бўлмаса керак. Дунёдаги энг ширин ва жозибадор тилаклар аллада мужассам.

Дадам бундан 30 йил бурун, яъни 1973 йиллари “Ўзбекистон” нашриётида босилган бир китобимни портфелларида ҳар доим олиб юрганларини эсламан. Зиёли киши бўлганлиги учун отам китобни ниҳоятда қадрлар эди. Ўғлининг кичкинагина китобчаси у киши учун қимматбахо бир буюм эди. Менга у кишининг худди шу хислати “мерос” бўлиб ўтди. Мен ҳам ҳозир дўстларим, шогирдларимнинг китоб чиқаришини катта байрамдек қабул қиламан.

— Талъат ака, инсоният бисотидаги энг катта бойлик, сизнингча, нима?

— Бу саволингизга лўнда жавобим: ТИНЧЛИК.

— Ҳўш, ана шу неъматни асраб-авайлашга, мустақамлашга журналистлар кўшаётган ҳисса сизни қониқтирадими?

сизни кузатиш мумкин. Хусусан, журналистикада ҳам. Сиз ўзингизни уларнинг ҳар иккисига ҳам мансуб деб ҳисоблашингиз мумкинми?

— Агар сиёсий шарҳловчи сифатида гапирадиган бўлсам, афсуски, менинг устозим бўлмаган. Чунки мен илк фаолиятимни бошлаган кезларда сиёсий шарҳловчилик институти ҳам, шарҳловчилар ҳам йўқ эди. Ўзбек халқаро журналистикаси ибтидоий бир тусда эди. Ҳозирга келиб, у анча шаклланди.

Шогирдлар тайёрлаш масаласига келсак, шукрки, мен ўзимнинг издошларим борлигидан фахрланаман. 10 йил олий таълим муассасаларида дарс берганман. Бугунги кунда эл орасида тан олинган Қобилбек Каримбеков, Абдували Соибназаров, Алишер Рўзиев, Хайрулла Нуриддинов, Шарофиддин Тўлаганов, Собир Турдиевлар билан ҳақли равишда фахрланаман. Чунки уларга кўп ҳолларда йўл-йўриқ берганман, керакли маслаҳатларимни олишган.

— Болалигингиздан қандай ширин хотиралар қолган?

— Энг ширин хотира бўлиб онамининг аллалари қолган. Кетма-кет туғилган укаларим За-

чунки қониқмаслик янги иш режалари тузишга ундайди.

— Шу ўринда юқоридаги саволга уланиб кетадиган бир фикр туғилиб қолди. Хизмат юзасидан сиз жуда кўп давлатларда бўлгансиз, лекин ҳамиша Ўзбекистон деган юртнинг оҳанрабо-си сизни ўзига тортиб тураверган бўлса керак.

— Тақдиримдан айланайки, журналистиканинг номини ер эканман, жуда кўп мамлакатларда бўлиш насиб этди.

Лекин мен учун муқаддас она-Ватан битта. У Ўзбекистондир.

Афғонистон, Жазоир, Малайзия, Ҳиндистон, Вьетнамдаги бевосита мулоқотлар худди кечагидек ёдимда. Ҳиндистон Президентининг матбуот котибидан интервью олган вақтимда у “Агар Ўзбекистон мустақилликка эришса, олти ойга бўлса ҳам Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси бўлиб бораман. Бу менинг орзуим. Биз ҳар доим Тошкентга борганимизда ўзимизни ўз уйимиздагидек ҳис этамиз”, деган эди. Ўша йиллари бу фикрни эшитишнинг ўзи ҳам осон эмас эди. Орадан кўп ўтмай, Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинди. Ҳозирга келиб эса қадимий алоқалар риштаси ҳам икки халқни боғлаб турибди.

Вьетнамда бўлганимда, қовун дарахтини учратиб, ҳайратда қолганман. Дарахтда осилиб турган қовунларни узиб есангиз, мазаси хандалак билан ширин ошқовоқни омухта қилгандек бир таъм. Мен ўшанда бу қовунни Ўзбекистоннинг тилими тилини ёрар хандалаклари билан солиштириб, ўзимизникини минг чандон устун қўйганман.

Қайси давлатда юрмайин, Ўзбекистонни кўмсайман, унинг кўнгли очик, самимий халқини соғинаман. Узоғи билан бир ҳафта чидайман, сўнгра Марказий Осиёнинг «Парижи» ҳисобланган Тошкентга қўшдек учиб кетгим келади. Энг азиз туйғулардан бири Ватанни севиш, ардоқлаш... Ахир ота-бобларимиздан қолган бир гап бор: kindik qoni tomgan yurt. Бу oddiy ibora эмас, замирида катта юк бор.

— Янги асрнинг учинчи йили ҳам ўтиб бормоқда. Ўзбекистон фуқароси сифатида унинг келажагини қандай тасаввур қиласиз ва унинг халқига дил изҳорларингиз!

— “Ўзбекистон — келажаги буюк юрт” деган башоратга ишонаман. Бу унинг Президентимиз, халқи юрагидаги орзудир. Орзу эса қачондир амалга ошади. Фақат ният ҳолис ва эзгу бўлса. Ўзбеклар эса нияти ҳолис халқ. Ана шу халқнинг ҳар бир вакили омон бўлсин, энг ёруғ тилаклари амалга ошсин!

Хулқар ТҶИМАНОВА
суҳбатлашди.

Одамзотнинг бир ажойиб фазилати бор. Бу ота-она олдидаги фарзандлик бурчини ҳар вақт, ҳамма ерда шараф билан бажаришдир. Ота-она олдидаги муқаддас бурчни эсдан чиқариш — фарзанд шаънига катта доғдир.

Яна бир ҳақиқатни яхши биламиз — дунёда шундай азиз зот борки, у — онадир. Дарҳақиқат, тўққиз ой раҳмида кўтариб, кечалари уйку роҳатини, кундузлари ҳаёт ҳаловатини демай, бизни ўстирган, бизга жон берган табаррук зот она-да!

Баъзан ўйлаб қоламан: ана шу азиз оналаримиз бошида ишонган қалқони, ёнида суянгувчи тиргаги бўлиб оталаримиз туради-ку! Нега кўпчилик ҳолларда биз бу улуг инсонларни ёддан чиқариб қўямиз? Умумий гаплар келганда "ота-она" деб гапираемиз, нега оталаримизни алоҳида олқишлай олмаемиз? Уларга нима учун ширин каломларимизни ҳаёти қилолмаймиз? Ёки улар оналаримиздан кам меҳр берадиларми? Волидаларимиздек биз учун ёниб-қўймайдиларми, бахтимиз учун елиб-югурмайдиларми ё онадек ғамхўрлик қилолмайдиларми?

Улар бизга меҳр беролмайдилар, дея олмаемиз. Табиат кўёш ҳарорати билан яшанганидек, фарзанд ота меҳри билан гулгун бўлади. Ваҳоланки, биз оналаримизни ойга, оталаримизни эса сажий кўёшга менгзаймиз.

Бу мавзуда қалам тебратишимга баъзи бир воқеалар сабаб бўлди. Аввало, ўқувчиларим ҳақида икки оғиз сўз. Машгулотлар давомида, суҳбатларда айнан ота-она мавзусига кўпроқ тўқнаш келиб қоламиз. Болалар оналари ҳақида тўлқинланиб, қайнаб гапирадилару баъзи болалар ўз оталари ҳақида зўрға оғиз очадилар.

Мана бир мисол. Янги йиғилган гуруҳ ҳақида журналга маълумот ёзишга тўғри келиб қолди. Айниқса, ота-оналар ҳақида маълумот тўлдиришга жуда иккиландим. Агар бирорта боланинг ота ёки онаси бўлмасаю, мен "қаерда ишлашди?" деб сўраб қолсам, дилига озор бериб қўяман, деган фикрда журналга ёзишни кейинги машгулотга қолдирдим-да, болаларга "Ота-онам — менинг бахтим" мавзусида ижодий иш ёзиб беришларини топширдим. Ишонасизми, гуруҳнинг асосий қисми отаси ҳақида ҳеч нарса ёзмабди. Қойилмасиз? Мен ҳам қойилман. Ижодий ишларини бирма-бир ўқиб беришгач, сўрадим: "Шунча ўқувчининг отаси йўқми?" Болалар "бор-бор" деб жавоб қилишди. "Бор бўлишса, нега улар ҳақида ёзмадингиз?". Ҳар хил баҳонали овозлар чиқди.

Бундай ҳолат нимадан келиб чиқди экан? Наҳотки, йиғирма етти нафар ўқувчининг отаси ўз фарзандига бефарқ бўлса?

Сўнгра ота-оналар мажлисини ўтказдим. Мажлисда оталар ҳам иштирок этишди. Мажлисдан сўнг яна болалардан ижодий иш олдим. Мавзу: "Отам — менинг бахтим". Мана энди ижодий фикрларнинг айримларини ўқиб кўринг:

Муқаддас Сайрамова (8-синф ўқувчиси): "Мен дадамни жуда яхши кўраман. Чунки улар менинг бахтим учун куйиб-ёнадилар, тинмай меҳнат қиладилар. Менга, синг-

ОТА МАБЛАҒ МАНБАИМИ?

лимга ажойиб совғалар ҳаёти қиладилар."

Баҳром Мирзаев (7-синф ўқувчиси): "Менинг дадам ҳамманинг дадасидан яхшилар. Чунки улар менга ...ҳамма нарсаларни олиб берадилар..."

Наргиза Каримова (8-синф ўқувчиси): "Дадам — менинг бахтим, оиламизнинг бахтидирлар. Чунки улар эртаю кеч тиним билмай меҳнат қиладилар. Бизни едирадилар, кийдирадилар".

Ҳаёт Иброҳимов (4-синф ўқувчиси): "Менинг дадам жуда меҳнаткаш одамлар. Улар темирйўлда хизмат қиладилар. Оиламиз, рўзгоримиз бутлигини таъминлайдилар".

Бу фикрларни ўқиб, ўйланиб қолдим. Фарзандлар ўз отасининг ўзи гаштини сураётган оилавий бахтга қўшаётган маънавий улушини кўрмаптилар чоғи. Ахир ёшлигининг бутун куч-қувватини, умрининг бутун ҳузур-ҳаловатини фарзандлари этагига келтириб тўкаётган табаррук зот шу эмасми? Соғлом, ҳар томонлама баркамол бўлиб етишимиз учун бош қотираётган, бизни парваришлаб, жамият сари олиб кираётган шу зот эмасми? Отанинг фарзандлар қарашида фақатгина оиланинг моддий таъминот базасига айланиб қолаётганлиги фожеали ҳол. Болаларнинг фикридан шу нарса келиб чиқаяптики, улар оталарини едириб-ичириб, ажойиб совғалар ҳаёти қилиб турганлари учунгина яхши кўрадилар.

Она ҳаммиса фарзанд билан бирга. Шунинг учун фарзанд ҳар дақиқа унинг меҳрини ўзида туйиб туради. Унга она меҳри ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Отанинг эса кўпроқ вақти кўча юмушларига кетади. Шундай кезларда она фарзандлар билан ота ўртасида кўприк вазифасини ўташи лозим. Шу ўринда мен П.Қодировнинг: "Юлдузли тунлар" асаридан бир парчани келтирмоқчиман:

"...Бошига кичкина ипак салла ўраган, мурассаъ камарига кичкина қилич тақилган саккиз ёшли мирзо Ҳиндол айвоннинг баланд зинапоясидан катталардай қўл қовуштириб, таъзим қилиб чиқди. Отаси буни кўриб беихтиёр жилмайди. Ҳиндолни елкасидан кучиб эркалатди.

— Қилич тақиб олибсиз, амирзодам, жангга бормоқчимисиз? — деб ҳазиллашди.

— Йўқ, Агар йўлбарс "ейман" деса, мен мана шу қилич билан уни ураман!

Бобур Ҳиндолни яна елкасидан кучиб, эркалатди:

— Баракалло! Ундай бўлса сизни Ҳиндистонга, албатта, олиб борурмиз".

Моҳим бегимдан ва Ҳиндолнинг ўзидан шеърятга, китобга унчалик ҳуши йўқлигини эшитган Бобур, "Наҳот Ҳиндол ўша тоғаларига тортса", деб хафа бўлиб кетади.

Моҳим бегим кундоши Дилдор оғачанинг ўглини ўз фарзандидан ҳам зиёда тарбия қилаётгани Бобурга маълум эдию, лекин боланинг тоға авлодлари жоҳил ва маърифатсиз одамлар эди. Бобур шундан хавотирда эди. Ҳа, у оталик меҳри билан Ҳиндолга бефарқ қарай олмас эди.

Шу ерда Бобурнинг қизи Гулбадан билан бўлган суҳбатига ҳам эътибор қилинг:

"Бобур қизчасини қўлида кўтариб олиб, пешонасидан ўпди, уни тиззасига олиб, ўтирди. Дадасининг зар кўшиб тўқилган қимматбаҳо либосидаги олтин тугмалар уни жуда қизиқтириб қўйди.

Бобур камарига осилган қиндан кичкина қаламтарош олдию, ўша тугмани ипидан қирқиб олиб, қизчасига берди:

"...Лекин йўқотма.

Бу қуш — Ҳумо. Илоҳим сенга бахт келтирсин".

Шундан сўнг Бобур Гулбаданнинг ҳикоясидан, Моҳим бегимнинг сўзларидан қизининг зукколигини, қобилиятини билиб, унга ўзининг "Вақоъ"сидан осонроқ бобини кўчиртириб беришни айтиди. Бундан кўриниб турибдики, у қизидаги қобилиятга, интилишга бефарқ эмас. Унга оталик меҳри ва ғамхўрлиги ила ёрдам қўлини чўзишга тайёр.

Ваҳоланки, барчамиз Бобурнинг шоҳ эканлигини, унинг зиммасида нафақат оиласи, балки бутун бир халқнинг тақдири турганлигини, айни урушлар авжига чиққан нотинч даврда яшаганлигини, қолаверса, мураккаб ҳаёт йўлини яхши биламиз. Шунга қарамадан у ўз фарзандларига оталик меҳрини, эътиборию ғамхўрлигини бера олган суюкли падар сифатида кўз олдимизда гавдаланади.

Шу ерда юқориде айтиб ўтилган бир фикрнинг ҳам муҳим ўрни борлигини эслатиб кетмоқчиман, яъни онанинг ота билан фарзандлар ўртасидаги кўприк бўлиши масаласи. Моҳим бегимнинг тарбияси ила фарзандлар қалбидан оталарига чуқур эҳтиром, ҳурмат ва унинг ишларидан фахрланиш туйғуси жой олган. Моҳим бегимнинг энг катта орзуси шу эди.

"Мен, ожизангиз, орзумандменки, фақат Ҳумоюндек ўғилларингиз эмас, Гулбадандек қизларингиз ҳам тарихда сизга муносиб ном қолдирсалар," деган эди Моҳим бегим Бобурга.

Дарҳақиқат, фарзандларининг оталарига сadoqatli ва меҳр-оқибатли қилиб тарбияланиши хотин кishining ўз эрига қилиши мумкин бўлган энг улуг' яхшилигидир.

Яна Бобурнинг оталик меҳру муҳаббати ёдимга тушди.

Қолган умрини ижодга бағишламоқчи ис-

таган Бобур подшоҳликни қабул қилиб олишни айтиб, ўғли Ҳумоюнга махфий мактуб жўнатади. Бу пайтда Ҳумою оғир касалга чалиниб ётарди. Бу мактубни ўқиб, у одамларига Аграга олиб боришларини буюради. Унинг беҳуш ётганлигини кўрган Бобур Ҳумоюнга жаҳондаги барча олмослардан ҳам азизроқ бўлган ўз жонини қурбон қилмоқчилигини айтади ва Ҳумоюнинг тўшаги ёнига келиб:

"Ҳумою, жигарбандим! Сенинг бетоқатлигинга мен тоқат келтирай. Сенинг шу оғир дардингни худо сендан олиб менга берсин!" дейди.

Бу мисолларни келтиришдан мақсадим, биргина отанинг фарзандига бўлган меҳрини ёритишдир.

Демакки, отанинг фарзандига бўлган ғамхўрлиги қадим оталаримиздан, отани ҳурмат қилишни фарзандлар қонига синдириб бориш эса қадим оналаримиздан мерос экан.

Ундоқ бўлса, бугун қаерга кетди, ўша муниса ва тадбиркор оналар?

Бир куни севимли адабимиз Ў.Ҳошимовнинг "Дафтар хошиясидаги битиклар" китобчасини варақлаб ўтириб, "Аёл психологияси" деган сарлавҳага кўзим тушди. Ўқишда давом этдим:

"...Адалама! Аданг ишга кетди-да, гўрга борармиди. Ариллама! Отангдан нима кўрдиму, сен нима каромат кўрсатардинг!"

Ўқиб бўлгач, мулоҳаза ҳам қилмай кейинги лавҳаларга ўтиб кетдим. Орадан 3-4 кун ўтгач, ана ўша ўқиганим "Аёл психологияси" хаёлимга қайта кела бошлади. Ўз-ўзидан у мени ўйлашга мажбур қиларди. Юқоридеги "қани ўша муниса ва тадбиркор оналар", "нима учун фарзандлар ота меҳрини сезишмаяпти" деган саволларга жавоб топгандек бўлдим. Чунки бундай муомала бор ҳақиқат-да!

Энди, азиз ўқувчим, ўзингиз ўйлаб кўринг, бу онанинг қаери Моҳим бегимга ўхшайди. Моҳим бегимнинг нафислиги, нозиклигию, фарзандларига бераётган тарбиясини олингу, бугунги аёлнинг ўзи ва тарбиясига солиштиринг.

Моҳим бегимдан тарбия кўрган Ҳумою, Гулбаданларнинг отасига қилаётган таъзим, ҳурмати ва сadoqatini яна бир эсланг-да, бугунги оналарнинг тарбиясини олиб катта бўлаётган атрофингиздаги ўғил-қизларга бир қаранг. Бирор ўхшаш жойи бормикан?!

Энди англагандирсиз, ота меҳрини фарзандлар нега сезмаётганликларини, оталарига нима учун фақат маблағ манбаи сифатида қараётганликларини!

Бу муаммонинг бир тарафи биз мурабийлар, ўқитувчиларнинг зиммасидадир. Дарс ва машгулотларда оталаримизнинг матонати, меҳнаткашлигию, ғамхўрлигини турли усуллардан фойдаланиб, болалар онгига синдириб боришимиз лозим. Шу йўл билан биз ҳам ота деган табаррук зотнинг ҳурматини тиклашга ҳисса қўшган бўламиз.

Р. НУРМАТОВА,
Тошкент шаҳар кўшимча
таълим мажмуаси ходимаси

Ҳаётда шундай камсуқум, камтар инсонлар бўладики, Ватан равнақиға маълум ҳисса қўшганлигига қарамай оддий яшаб ўтадилар. Бундай кишилар халқни, оиласи олдида юзи ёруғ бўлганлиги учун унинг фарзандлари оталари билан фахрланиб юрадилар.

Ана шундай инсонлардан бири Насим Маматов эди. У луғатчиликда ҳам ҳалол меҳнат қилиб, ўзидан яхши ном қолдирди. Шу сабабли унинг олима фарзандлари Хуршида, Аниса ва Азиза Маматовалар оталари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Насим Маматов Фарғона давлат педагогика институти тил ва адабиёт факультетининг иккинчи курсини битиргач, курсдоши Маҳмуджон Ёқубов билан кўнгилли бўлиб, армияга от-

ланди. Насим ака армиядан қайтгач, қолган умрини маориф ва фан соҳасига бағишлади. Низомий номидаги педагогика институтини битиргач, аввал Кўқондаги, сўнгра Бувайда туманидаги мактабларда

атоқли луғатшунослар Олим Усмонов, Зокир Маъруфов, Саидфозил Ақобиров, Гел Михайлов, Абдулла Хўжахоновлар билан танишди. Улардан луғатчилик сирларини ўрганди. Унинг луғат соҳасидаги

бўйича луғат тузишда ёрдамлашди. Изоҳли луғат қўлёзмасини таҳрир қилди. 1987 йили олим икки жилдли "Ўзбекча-русча луғат"да ҳам тузувчи, ҳам муҳаррир сифатида қатнашди. Биринчи жилддаги "К"

ЛУҒАТЛАР МУАЛЛИФИ

она тилидан дарс берди. Кўқон ва Андижон педагогика институтларида кафедра мудири лавозимида ишлаб, тилшуносликдан маърузалар ўқиди.

1951 йили Тошкентга келиб, нафақага чиққунга қадар тил ва адабиёт институтида ишлади. Бу ерда

дастлабки фаолияти 1959 йили Москвада нашр этилган "Ўзбекча-русча луғат"дан бошланди. Ўзбек тилининг изоҳли луғати бўйича иш бошлангач, бутун билим ва кучини ана шу соҳага қаратди. "К" ҳарфи бўйича энг катта луғат тузди. Касбдошларига "О" ва "Т" ҳарфлари

ва "О" ҳарфлари бўйича луғат тузди, "П" ва "Я" ҳарфларини ўз ичига олган иккинчи томга муҳаррирлик қилди. Насим ака институтнинг режали ишларидан ташқари ўзи ҳам мустақил равишда луғатлар тузган. Яъни у "Пахтачилик терминларининг қисқача изоҳли луғати",

Xotira

"Пахтачиликдан русча-ўзбекча қисқача изоҳли луғат", Ш.Раҳматуллаев, Р.Шукуровлар билан ҳамкорликда "Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати"ни яратди. Бундан ташқари, олим тилшуносликнинг назарий масалалари билан ҳам шуғулланди. Кўплаб мақола-лардан ташқари монография ҳам эълон қилди. "Ўзбек пахтачилик терминологияси" мавзусида номзодлик ва "Ўзбек тилида қўшма сўзлар"га бағишланган докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ўзбек луғатчилигига муносиб ҳисса қўшган Насим Маматовнинг ҳаёти ёшларни ватанни севишга, ҳалол меҳнат қилишга ундайди.

Эргаш УМАРОВ

Bolalaringiz maktabga tayyormi?

Мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқ ва тафаккурини ривожлантириш учун тарбия куйидаги уч жиҳатни мужассамлаштирган ҳолда олиб борилиши керак: нутқнинг ривожланганлиги ва лугат бойлиги, илк математик тасаввурлар ҳамда табиатга оид билимлар бериш.

Бола мактабга боргунига қадар тахминан қанча сўз бойлигига эга бўлиши керак? Олимларнинг илмий хулосаларига кўра, 1-синфга келган бола лугатида тахминан 1300—1400 сўз бўлиши керак. Бола мактабга келгач, ҳар куни камида унинг нутқи 5-10 сўз ҳисобига кўпайиб боради.

Аксарият боғчага қатнаган болаларнинг нутқи анча равон, тушунарли, талаффузлари ҳам аниқ бўлади. Баъзи болаларнинг нутқи ривожланмаган, талаффузида нуқсон бўлиб, улар ўз фикрларини ифодалашга қийналадилар. Натижада фанларни ўзлашти-



борича ёқимли сўзлар топиб, мисоллар келтиришни бола билан машқ қилиш лозим.

Маълумки, бешикдаги гўдак ҳам ёқимли товуш — алла эшитиб, қалби лиммо-лим эзгуликка йўғрилади. Ёқимли нутқ бола ўсаётган, ривожланаётган жараёнда унинг онгида яхши фикрлар яратади. Бола ижод қилишга ўрганиши мумкин. Табиатда кўрганларини кичик ҳикоя ва иншо тариқасида гапириб беришлари, мактабга боргач эса, ёдда сақлаганларини ёзма ривожланишида ифодалаш мумкин. Байрам ва тантаналар тарихи, уларнинг нишонланиши ҳақида шеър, кўшиқлар ўргатиш ҳам бола нутқининг муттасил ривожланиши таъминлайди. Болаларга ҳарбий ватанпарварлик, миллий ифтихор туйғуларини уйғотувчи лавҳаларни ўқиб бериш, кўшиқлар ёдлатиш, Амир Темури, Бобур, Жалолиддин Мангуберди, Собир Раҳимов каби саркардаларнинг расмларини кўрсатиш, улар ҳақида гапириб бериш, болаларда ёшликдан жасурлик ва мардлик ҳисла-

НУТҚИ РАВОН БОЛА:

у ўз муносабатларини қийналмасдан билдира олади

ришда, ўртоқлари билан мулоқот қилишда қийналиб қоладилар. Мактабга келишни истамай ҳар куни баҳона топиб, ота-онасига хархаша қиладилар. Боланинг бундай бўлишига аслида ота-оналар, оиладаги катта кишилар сабабчидир. Мактабга тайёргарлик ишлари мутлақо амалга оширилмаганлиги учун бола ўқишни суст ўзлаштиради. Нутқда нуқсон бор болалар ҳақида 3-4 ёшда логопед врачга мурожаат этишиб, маслаҳат олиниши зарур. Бундай болани кўпроқ суҳбатга тортиш, уни гапиришга ўргатиш, камчиликларини охишта тузатиш, унинг руҳини кўтариш лозим.

Уларга эртақ ва ҳикоялар айтиб ёқи бериш, шеърлар ёд олдириш каби фаолиятлар орқали таъсир этиш фойдалидир. Теварак-атрофдаги нарсалар, воқеа-ҳодисалар бола нутқининг ривожланишига ижобий таъсир этади, зарур билим, малакаларни эгаллашга ёрдам беради. Кўрган, танишган буюмларининг номи, ранги, хусусиятларини билдирувчи сўзларни ўзлаштириб боради.

Болаларнинг ақлий ривожланишини таъминлашда илк математик тасаввурни ҳосил қилиш, уни узлуксиз ўстириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Ва яна нутқ ўстириш ишларида ёд олиш машқини тез-тез ўтказиш фойдалидир. Эса сақлаш, хотира, идрок этиш ҳамда диққатни барқарорлаштиришда ҳар куни ёдлаш машқи зарурдир.

Бола мактабга келгунга қадар камида 10 та шеър, топишмоқ, мақол ва тез айтишларни ёддан билиб келишига кўмаклашиш лозим. Бола қанча кўп ёд олса, шунча яхши. Тарбияда мукамаллик керак, яъни ақлий ва эстетик тарбияни мужассам ҳолда ривожлантириш лозим. Нутқ маданиятини ёшликдан эгаллаган бола ўсиб-улғайганида ўзини эмин-эркин тутати. Чунки у билганларини сўз орқали ифодалаш уқувига эга бўлади...

Нутқ ўстириш ишларида овоз катта аҳамиятга эга. Буюк ҳаким ибн Сино товушга таъриф берар экан, "қайғу ва ҳасратлар қалбни ҳаракатдан тўхта-тиб, кишини хаста этиши, бунга даво эса кўркам товуш ва унга мувофиқ услубдаги куйлар" эканлигини таъкидлайди. Демак, буюк ҳаким айтганидек, инсон бўғзидан чиққан мулоим ва хуш

3-мақола

туюладиган товушнинг натижаси — ёқимли ва гўзал лутфдир. Ота-она, ўқитувчи ва тарбиячилар ўз нутқларига эътиборли бўлишлари, болани ҳам ўртача, ёқимли овозда гапиришга ўргатишлари лозим. Айрим болалар гапирганда ҳаяжонланиб, қўлларини беҳуда ҳаракатлантирадилар. Тугмаларини ўйнаб ёқи кўйлақ этакларини ушлаб, тепага, пастга қараб гапирадилар. Бундай пайтларда катталар унинг хатти-ҳаракатларини изга солишлари, унинг бу ҳолатига тенгдошлари кулиб, масхараламасликларининг олдини олишлари керак. Нутқий кўникма тезда шаклланмайди. Унинг йиллар давомида такомиллашишига эришмоқ лозим.

Давлат таълим стандартларида болаларнинг нутқи ва тафаккурининг ривожланганлик даражасига сўзларни аниқ ва тўғри талаффуз қилиш, 3000 тадан ортиқ сўз маъносига тушуниш, расмларга қараб гап тузиш, эртақ ва ҳикоялар тинглаш каби қатор талаблар қўйилган. Бола билан мунтазам ишланса, бу талаблар албатта бажариллади. Товушларни тўлиқ талаффуз этишга ўрганган бола бўгин, сўзларни ҳам хатосиз айтади ва кейинчалик гаплар тузади. Масалан, "Ш" товуши билан "С" товушини бир-биридан фарқ қилишга ўргатиш учун "Шамол шовуллаб шовкин солди, шалпангқулоқ кўрққанидан шаталоқ отиб қолди", ёқи "р" товушини "л", "й" билан алмаштириб талаффуз этадиган болаларга "Робия аллалади, Рустам арралади" каби тез айтишларни ўргатиш фойдалидир. Болаларни режали ривожланишга фикр юритишга, нутқда гаплар тартибига, кетма-кетлигига риоя қилиш каби талабларга секин-аста ўргатиб бориш лозим. Фикрни хулосалаш, айтилганларга мос мақол ёқи ҳикматли сўзлар топишда аввал катталар кўмаклашишлари, сўнг болани йўллаш нутқ ўстиришда болага қулайлик яратади. Масалан, "Аввал ўйла, кейин сўйла", "Оз сўзла, соз сўзла", "Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар" каби. Болага бундай ҳикматлар, мақоллар маъносини тушунтириш орқали она тилимининг қанчалик ёқимли эканлигини айтиш, гапирганда иложи

рининг пайдо бўлишига асос солади.

Болаларга инсон ҳаёти учун зарур бўлган иқтисодий-экологик ва табиий эҳтиёжлар ҳақида маълумот бериш, бозор, сотувчи ва харидорлар ҳақида гапириб, ўйин ташкил этиш, пул, товар, сотиш, сотиб олиш, тежамкорлик, исрофгарчилик, увол, исроф, нарх, бизнес, менежмент, бартер сингари дастлабки тушунчаларни амалий мисоллар, ўйин-машғулотлар билан тушунтириш, оилада, болалар боғчалари ва мактабда "Бозор", "Дўкон" ўйинларини ташкил этиш улар учун жуда қизиқарли бўлади.

Қандай мавзуда суҳбат, савол-жавоб ёқи мунозара олиб борилмасин, болаларни она тилида соф гапира олишга ўргатиш муҳимдир. Шунингдек, ота-оналар, ўқитувчиларнинг ўзлари ўзбек адабий тилининг қонун-қоидаларига амал қилишлари лозим. Акс ҳолда сўзлашувдаги ғализликлар бола нутқига салбий таъсир этади. Бундай ҳолнинг юзага келмаслиги учун ўқувчиларни миллий адабиётимиз намуналари, сўз ўйинлари — чистон, фард, рубоий ва шу каби шеърий санъат намуналари билан таништириш лозим.

Ёш авлод тарихан таркиб топган муайян маданий меросимиздан баҳраманд бўлиши зарур. Халқ оғзаки ижоди намуналаридан кенг фойдаланиш, фольклорнинг болаларбоп намуналари ҳам фойдали эканлигини унутмаган ҳолда ашула, лапар, ялла, алла кабилардан айтиб бериш муҳим. Бу воситалар болаларнинг нутқ маданиятини эгаллашлари ва эстетик жиҳатдан идрок этишларини таъминлайди.

Бола шахси нимагадир ишониб, интилиб яшашга мойил бўлади. Ота-она унга боладаги бу ички ҳис-туйғуни ҳисобга олиб, унга ёндашиши керак. Агар у соғлом муҳитда ўсиб-улғайса, гўзалликни ҳис этиш хусусиятига эга бўлади. Доимо хушқайфиятда бўлиб, ўз ҳис-туйғусини сўз билан ифодалайди. Ўзини эркин ва хотиржам ҳис қилади, эзгулик унга ҳаммиша ҳамроҳ бўлади. Мукамал тарбия олган бола комил инсон бўлиб етишади.

Қумри АБДУЛЛАЕВА,
педагогика фанлари доктори,
профессор

ОТАШ ҚАЛБИНИ
ҚАЙНОҚ ҚУЧОҒИ

Текшираётган дафтарларим орасидан "Болаликнинг беғубор онлари" мавзусидаги иншо туфайли хотираларим китобини варақладим. Беихтиёр қайсидир шоирнинг "хаёлларим қўллари узун, қайга десам етар беғумон" мисраларини ёдимга солиб, мени олис болаликнинг сертупроқ кўчалари сари етаклади.

1960 йилнинг ёз ойлари. Шу йили мактабнинг 1-синф ўқувчилари бўладиган болалар кўчамизда етти нафар эдик. Ҳаммамиз девор-дармиён кўшнилари. Тонг отгандан кун ботгунча ҳовлимиздан оқиб ўтган лойқа ариқ сувида чўмилиб, оёқ босса кўмиладиган тупроққа ётиб олиб товланардик, қўйингки, орзулар осмонда учардик. Орзиқиб кутилган 1 сентябрь тонгида боғимиздаги чинни гуллардан саралаб, оналаримиз билан мактаб томон йўл олганимиз кечагидек ёдимда. Йўлда ногаҳон онам билан суҳбатлашаётган аёлнинг гапи кулогимга чалинди.

— Айланай, Ҳамроҳон, болаларимиз "қўғирчоқ келин"да ўқир экан, эшитдингизми?

— Вой, ростданми, барака топгурни яхши ўқитувчи деб айтишади, зора шундай бўлса... — дея онамнинг фикрига қўшилди кўшни аёл.

Бизни мактабда қора мағиздан келган, истараси иссиқ, қадамлари илдам, нозиккина аёл хушмуомалалик билан кутиб олди.

Устознома

Устозимнинг мактаб — билим даргоҳи эканлиги, ҳарф ўргатиб саводимизни чиқаришлари, мактабимиздаги онамиз эканликларини, ҳаммамизнинг бир оила фарзандидек меҳрибон, аҳил бўлишимиз лозимлиги ҳақидаги фикрларига қулоқ тутиб, юзларига ҳайрат билан тикиларканман, ундан қўғирчоққа ўхшашликни излардим. "Қўғирчоқ келин" ибораси ўша вақтда нега ишлатилганини сўраб билган, билмаганманми, ҳозир эсимда йўқ, лекин чаққон, лобар, ширинсўз, сермулозамат, ҳар бир сўзга "жоним" иборасини қўшиб айтадиган меҳрибон ўқитувчимизнинг қишлоғимизга шаҳардан келин бўлиб тушганликларини учун айтилган бўлса керак, деб ўйлайман.

Ҳаёт мактабида йўл топишимизда устозимизнинг берган сабоқлари зое кетмади. Барчамизнинг ўқитувчимиздек бўлишга интилишимиз боисми, синфимиз орасидан 5 нафаримиз шу касбни эгалладик. Албатта, бу касбни танлашимизда, меҳрибон муаллимимизнинг меҳр билан боқувчи, кўзию дилга малҳамдек ёқувчи ширин сўзлари йўл кўрсатган бўлса, ажаб эмас.

Қаранг-а, шунга ҳам 43 йил бўлибди.

Ҳаёллар оғушидан маст бўлиб, кейинги дафтарни варақлар эканман, "Менинг севимли қора бувим" номи яна бир иншо фикримни тортди. "Менинг икки бувим бор, бири оқ, иккинчиси қора. Яқинда қора бувим саксонга кирадилар. Саксонга кирсалар-да, сакраб юришга мойил, кўнгиллари қордай оқ, менинг қора бувим" деган сатрларни ўқирканман, дарҳол дафтарнинг эгасини билишга тутиндим. Ҳа, бу дафтар менинг биринчи устозим Марғуба опа Варисованинг набаирлариники эди...

Демак, илк устозимизнинг қайноқ меҳрлари, қанча-қанча шогирдларини фарзандларидан ташқари бугунги кунда неваралари қалбига ҳам оташ солаётган экан. Эзгулик, меҳрнинг абадийлиги шудир, эҳтимол.

Ёқутхон МҮМИНОВА,
Юнусобод туманидаги 274-мактаб
ўқитувчиси

Nigoh

Инсоният тараққиётини аниқлаб берувчи барча глобал муаммолардан энг муҳими аҳолининг ўсиши ҳисобланади. Бизнинг тараққиётимизга таъсир этувчи барча омиллар дунёдаги одамлар миқдори ўсишида ва уларнинг давлатлар ичида ҳамда минтақаларо кўчиб юришида акс этади. Демографик маълумотлар барча иқтисодий, сийёсий ва маданий омиллар таъсирининг натижасини ифодалайди. Шунинг учун инсоният истиқболни аввало, демография билан боғлайдилар.

Ҳозирги кунда Ер шари аҳолиси ҳар дақиқада 3 кишига кўпаймоқда, (яъни йилига 90 млн. киши). Мутахассислар фикрига кўра, кейинги икки ўн йилликда Ер юзиде истиқомат қилувчилар 8 млрд.га етади.

Ўтган минг йилликда илк мартаба аҳоли миқдорининг икки баробарга кўпайиши учун 600 йил керак бўлган, иккинчи мартаба икки баробарга кўпайиши учун — 230 йил, 3-мартоба учун 100 йил, 4-мартоба учун 40 йилдан ортиқ вақт керак бўлди.

Агар XX аср бошида дунё аҳолисининг мутлақ ўсиши 10-15 млн.га тенг бўлган бўлса, асрнинг ўрталарига келиб, 40-50 млн бўлди, бизнинг кунимизга келиб эса 80-85 млн.га етди. Бу миқдор эса, Россиядан ташқари исталган Европа давлати аҳолисидан юқоридир.

Умуман, дунёдаги демографик жараёнлар қуйидагича:

1. Саноати кам ривожланган давлатлар ҳали ҳам нисбатан юқори ўлим ва туғилиш даражасига эга. Бу давлатларда аҳоли миқдорининг ўсиши йилига ўртача 2-3 фоизни ташкил этмоқда ва ўлим даражасининг камайиши ҳисобиға янада ошяпти.
 2. Саноати ўртача ривожланган давлатларда нисбатан паст ўлим даражаси ва паст туғилиш даражаси характерлидир. Бу давлатларда аҳоли миқдорининг ўсиши йилига ўртача 1-4 фоизни ташкил этмоқда.
 3. Саноат ривожланиши юқори бўлган давлатларда паст ўлим даражаси ва паст туғилиш даражаси ҳамда аҳолининг паст ўсиш даражаси кузатилмоқда (кўпи билан 1 фоиз)
- Нима учун аҳолининг катта қисми орасида туғилиш ташвишланадиган даражада камайиб кетди? Ахир ҳозирги оилаларнинг ҳаёт тарзи, нафақат узок ўтмишга нисбатан, балки етарлича кўп бола туғилган урушдан сўнгги 50-йиллардаги қийинчиликларга нисбатан ҳам ўта яхши-ку! Ҳозирга келиб оиланинг

моддий таъминоти даражаси бир неча мартаба ошди, маиший хизмат тарзи яхшиланди, мактабгача бўлган таълим-тарбия муассасалари сони кўпайди, аҳолининг таълим даражаси ўсди. Нима учун оилаларда болалар сони камайиб кетди? Вужудга келган вазиятни ўзгартириш мумкинми?

Бунинг учун, даставвал, туғилишга таъсир этиш йўллари ишлаб чиқишдан олдин, унинг пасайиш сабабларини кўриб ўтайлик.

Маълумки, инсоннинг ҳар қандай хатти-ҳаракати асосида эҳтиёж ётади. Бола туғиш эса, авваллари, жуфтлик муносабатларининг муқаррар натижаси эди. Энди эса абортнинг қонунийлиги ва контрацептивларнинг кенг тарқалиши, жинсий муносабатга бўлган эҳтиёж натижасини камайтириб юборди.

Олдин иқтисодий манфаатдорлик бола туғилишининг асосий сабабларидан бири эди. Кўпглаб оилаларда (олдин оилаларнинг 70 фоизи деҳқончи-

қартирди, яъни болаларнинг суғурта функцияси йўқолди. Аксинча, ҳомиладор бўлмаган хотинлар касбий ўсиш учун катта имкониятларга эга, бу эса катта миқдорда нафақа олишни кафолатлайди.

Бола туғилиши билан оила бюджетининг ўзгариши табиий. Давлат болани улғайтириш учун онага ҳомиладорлик ва маълум ёшгача ёрдам пулини тўлашга ҳамда болани мактабгача тарбия муассасаларига бориш харажати катта қисмини тўлашга қарамай ҳар бир бола дунёга келиши билан оила харажатлари ўсиб боради, даромадлар эса кўп ҳолларда ўзгармай қолади.

Болалар ўлимнинг юқори даражаси шароитида кўп туғилиш халқнинг тирик қолиши учун зарурий ҳолат эди. Соғлиқни сақлашнинг ривожланиши ва болалар ўлимнинг камайиши билан болаларни йўқотиш хатари камаяди. Бунга ишонч эса туғилишнинг камайишига имкон беради.

Жамиятда маданиятнинг ўсиши би-

тимоий-ҳуқуқий ҳолати, ишлаб чиқаришга жалб этилганлиги катта таъсир этади. Тадқиқотлар натижасига кўра, туғилиш даражаси аёллар бандлиги билан тесқари боғланган. Энг юқори туғилиш аёллар бандлиги кам бўлган давлатларда кўп кузатилади. Асосан бунга олиб келувчи сабаблардан бири — аёллар меҳнатини эркаклар меҳнати сингари кафолатлаш билан маиший хизмат соҳаси, мактабгача таълим муассасаларини ривожлантириш бирга олиб борилмади. Натижада аёллар икки сменали иш кунига (уйда ва ишлаб чиқаришда) эга бўлдилар.

Бир болали оилалар кенг тарқалишининг асосий сабаби шундаки, бир болали оналикнинг касбий ва ижтимоий фаолият билан уйғунлашиб кетишига имкон беради, оиланинг ҳам молиявий таъминоти, ҳам ҳордиқ чиқаришини чегараламайди.

Туғилиш чекланишининг асосий сабаби — никоҳ муносабатларининг нобарқарорлигидир. Қанча кўп ажралиш

Аҳолининг ёш ва жинсий таркибининг ёмонлашуви натижасида ҳам туғилиш даражаси камайиб кетмоқда. Бу асосан ёшларнинг миграцияси асосида содир бўлмоқда. Масалан, қишлоқ жойларида яшайдиган ёшларнинг шаҳарга кўчиши натижасида бола кўришга қодир ёшдагиларнинг улуши камайишига олиб келади ва туғилиш даражаси қисқаради.

Туғилиш даражасига яна диний ва этник аъналар ҳам катта таъсир этади.

Ўзбекистондаги туғилиш даражасига юқоридаги таҳлиллар асосида назар ташлайдиган бўлсак, 1970-1990 йилларда ҳар минг кишига ўртача 33-34 нафар бола туғри келган. 1986 йилга келиб, бу кўрсаткич юқори чўққисига етди, яъни ҳар минг кишига 37,8 нафар янги туғилганлар туғри келди. Гарчи 1995 йил туғилиш даражаси ҳар минг кишига 29,9 бўлса-да, бу ҳали ҳам юқори кўрсаткич бўлиб қолмоқда. Шаҳар жойларда туғилиш даражаси 24,0 ва қишлоқ жойларида эса 33,5 ни ташкил этмоқда. Ҳар йили республикада қарийб 700000 бола туғилипти.

Агарда аҳолининг ёш таркибини таҳлил этадиган бўлсак, 1995 йил 16 ёшгача бўлган ёшлар аҳолининг 43,1 фоизини ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб 41,9 фоизга тушиб қолди. Бу аҳоли орасида ёшларнинг улуши катталигини кўрсатиб турибди. Шу боис ҳозирда ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошишига номуносиб тарзда давлат харажатларининг ошиши рўй бермоқда ва келажакда кўшимча иш ўринларини яратиш зарурияти келиб чиқмоқда.

20-24 ёшли аёллар орасида фертилик даражасини таҳлил этадиган бўлсак, бу ёшдаги ҳар минг нафар аёлга 290-295 нафар бола туғри келмоқда. Бу кўрсаткич 25 ва 29 ёшлар орасида 250-255 га тенг. 1995 йилдаги тадқиқотларга кўра, ҳар бир аёлга 3,7 нафар бола туғилиши туғри келмоқда. Шу жумладан, бу кўрсаткич қишлоқ жойларида — 4,3 га, шаҳарларда эса — 2,7 га тенг.

Демак, бутун ер юзидеги аҳоли сонининг оптимал ўсиши бир давлат аҳолисининг шиддат билан ўсиши, бошқаларникининг барқарорлашиши ва учинчи бирининг камайиши ҳисобиға мумкин эмас экан. Бу ҳар бир давлат ўзининг демографик сийсатини олиб боришини тақозо этади.

Аслиддин ОДИЛОВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети халқаро иқтисодий муносабатлар факультети IV курс талабаси

ДЕМОГРАФИЯ: ВАЗИЯТ ВА ТАҲЛИЛ

лик билан шуғулланган) болалар кичиклигидан хўжалик ишларига жалб этилган ва кўшимча ишчи кучи сифатида тушунилган. Масалан, собиқ совет иттифоқининг дастлабки даврида ердан фойдаланиш принципидан бири — бу ерни оилаларга тақсимлашда жон бошига асосланганлик эди. Ва натижа кўп болали оилалар фойдасига ҳал бўлган. Кейинчалик саноатнинг тараққий этиши, ердан фойдаланиш шакллариининг ўзгариши ва қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш ҳамда болалар сонидан қатъи назар, меҳнатга иш ҳақини бир хил миқдорда тўлаш билан оиланинг қатъий тикланиш функцияси тезда қисқарди, уларнинг ишчи кучи ва меҳнат ресурси мақоми йўқолди.

Олдин болалар қарилликда моддий таъминот базаси сифатида тушунилган. 60-70-йиллардаги ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот ҳақидаги ҳуқуқий базанинг тез ривожланиши кекса ва касал инсонларнинг болалар миқдорига бўлган қарамлигини қис-

лан болани ўқитиш ва ривожлантиришга бўлган талаб ҳам ошади, бола тарбиялашда моддий, руҳий ва асаб харажатлари ўсади. Натижада болалар тарбиясини юқори савияда ва замон талаби даражасида олиб бориш мақсадида кам сонли болаларга тўлиқ тарзда барча моддий ва маънавий хатти-ҳаракатлар жамланади.

Юқори билимли ва маданиятли оилаларда болалар сони паст маданиятли оилаларга нисбатан кам бўлади, деган тушунча мавжуд. Бу аҳолининг маданий ва маърифий даражасини кўтаришга қаратилган қонуний актлар давлатда аҳоли кўпайиши ривожига салбий таъсир этишга йўналтирилган дегани эмас. Аҳолининг маданият ва таълим даражасининг ўсиши таъсирида туғилишнинг камайиши аҳоли сифатининг кўтарилиши, касбий-техник малаканинг ўсиши, ижтимоий тараққиётнинг анча катта кўрсаткичлари билан компенсация қилинади.

Аёлларнинг туғиш даражасига иж-

бўлса, туғилиш шунча камайиб кетади. Ажралиш улуши кам бўлган давлатлар туғилиш даражасининг юқорилиги билан ажралиб туради. Оилада болалар сони кўп бўлган ҳолларда, айниқса, шарқ маданиятида жуфтликлар ўртасидаги боғлиқлик юқори бўлади. Шунинг учун ҳам бир фарзандли оилаларда ажралишлар психологик ва моддий жиҳатдан унча қийин бўлмайди. Никоҳга кириш ёши ва никоҳда қолиш узоклиги ҳам туғилишнинг кўпайиши ёки камайишига таъсир этади.

Авваллари уч оиладан ташкил топган оилаларнинг сони кўп эди, шунинг учун бола тарбияси нафақат турмуш ўртоқ зиммасига, балки буви ва бува зиммасига қоларди. Бу эса бола тарбиясидаги қийинчиликларни камайтирар ва натижада туғилиш даражаси ўсишига имкон берарди. Ҳозирга келиб эса, ёшларнинг мустақил яшашга бўлган хоҳиши ота-онаси қарамлигидан тез ажралиб чиқишига туртки бўлмоқда.

Психологик хизмат халқ таълими тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ўқувчи шахсини шакллантириш ва маълум касбга йўналтириш, ёш, ўрта ёшдаги ўқувчилар, педагогик жамоа ва ота-оналар билан ишлаш, айниқса, ўқув дастурларининг такомиллашиб бориши, таълим муассасаларида амалиётчи психологларнинг изчил фаолият кўрсатишини тақозо этмоқда. Шунинг айтиши жоизки, мактаб амалиётчи психологлари хизматининг асосий мақсади шахснинг тўлақонли руҳий тараққиётини таъминловчи шарт-шароитларини яратишдан иборатдир.

ЎРЖИЖ БИЛЕД РУҲШУЖОЕ...

шарт. У истеъдодли ва иқтидорли ўқувчиларни аниқлаб, уларнинг қизиқиш йўналишларини тарбиялаб, қобилиятларининг оширилиши учун шарт-шароитлар яратади.

Мактаб психологи 6 ёшли болаларнинг мактабга тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича махсус усуллардан туғри фойдаланиш, дефектолог билан ҳамкорликда ақлий ривожланишда нуқсон бўлган болаларни ўз вақтида аниқлаш, тегишли муассасаларда таълим олишини ташкил этиш, 9-синф битирувчиларининг касбий қизиқишларини

махсус тест саволлари ёрдамида аниқлаб, улар танлаган соҳалар ва касблар коллежларига тавсияномалар бериши, тарбияси оғир болалар билан иш олиб бориши, улар билан алоҳида суҳбатлар ўтказиб, руҳий-маънавий шарт-шароитларини аниқлаши, тегишли чора-тадбирлар белгилаши

лозим. Шунингдек, балоғат ёшига етаётган ўқувчилар орасида турли мавзуларда баҳс-мунозаралар, турли тадбирлар ўтказиши, ўқитувчиларнинг ўзаро муносабатларини аниқлаши, дарсларни психологик таҳлил қилиб бориши зарур.

Fikr

Хуллас, таълим-тарбия ишлари самарадорлигини таъминлаш мактабда психологик хизматнинг қандай ташкил этилганлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Психолог бутун билим ва иқтидорини мактабни ҳозирги замон психология фани ютуқлари асосида миллий-услубий жиҳатдан таъминлаш, ҳар бир боланинг мақсад ва интилишларини инобатга олган ҳолда, ақл-заковатининг нечоғлик ривожланганлигини тадқиқ этиш, таълим-тарбия жараёнидаги салбий ҳолатларни тезлик билан аниқлаб, унинг салбий оқибатларини ўз вақтида бартараф этиши даркор. Ана шундагина руҳшунос мактабда ўз ўрнини топади.

Ўз вазифа ва ҳуқуқларини билган амалиётчи-психологлар фаолият кўрсатаётган билим даргоҳларида таълим-тарбияда юқори кўрсаткичларга эришилиши, шубҳасиздир.
Мавлуда АХТАМОВА,
Ургут тумани ХТБ ходими

24 июль куни "Экосан" халқаро жамғармасининг барқарор ривожланиш бўйича комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур комиссия тегишли вазирликлар, идоралар, жамоат, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари билан тузилган бўлиб, ўз олдиға мақсад қилиб қўйган вазифаси барқарорликнинг маҳаллий салоҳиятини мустаҳкамлаш, атроф-муҳит муҳофазасидаги муаммолар, иқтисодий-ижтимоий масалаларни бартараф этишдек қатор ишларни амалға оширишдан иборат.

Тадбирда барқарор ривожланиш мақсадидаги маҳаллий дастур ва


БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ САРИ

лойиҳаларнинг амалға оширилишида Сирдарё вилоятининг иштирок этиши ҳамда жорий йилнинг 21-23 май кунлари Киевда бўлиб ўтган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирларининг бешинчи Европа конференцияси қарорларининг амалға оширилиши масалалари кўриб чиқилди. Хусусан, Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Б.Ибрагимов вилоятдаги Ш.Рашидов, Меҳнатобод, Мирзобод туманлари ва Гулистон шаҳридаги экологик аҳвол, аҳолининг саломатлик даражаси, ичимлик суви билан таъминлаш бўйича қилинаётган амалий ишлар ҳақида маълумот берди. Шунингдек, тадбир сўнггида "Обод маҳалла йили" муносабати билан ташкил этилган "Энг обод маҳалла" республика кўрик-танловининг иккинчи босқичида голиб бўлиб, 3 млн. сўм мукофотга сазовор бўлган Тошкент вилояти Зангиота тумани Зангиота маҳалласи оқсоқоли Солиҳ Норхўжаева "Иссиққўл" санаторийсига йўлланма берилди.
Саид РАҲМОНОВ

ВОКЕА ТАФСИЛОТИ

22 июль куни Мосул шахрилик кишидан собиқ диктатор фарзандлари яширинган уй манзиллини олган Кўшма Штатларнинг Марказий Разведка Бошқармаси (ЦРУ) ходимлари, 20-махсус отряди, махсус кўрсатмалар бажарувчи (спецназ) "Дельта" бўлими маси ва 101-хаво десантчилари дивизиеси аскарларидан иборат 200 кишилик қўшин объектни қуршовга оладилар. Аввалига уй ичидагиларнинг таслим бўлишлари оғоҳлантирилади. Шундан сўнг уй эгаси, яъни Саддам Хусайннинг амакиваччаси шайх Навоф ал-Зайдан Муҳаммад ўз ўғли билан америкаликларга таслим бўлади. Кейин эса орадан 10 дақиқалар ўтиб, АҚШ аскарлари бинога киришмоқчи бўлганларида, ичкаридан уларга қарата автоматдан ўқ отила бошланади. Ва

текширувларга жалб этилган тўрт нафар Саддам тузумининг вакиллари уларни таниганлар. Шунингдек, иштирок этганларнинг бири айни пайтда АҚШ ихтиёрида тур-



юзида эса ҳеч қандай жароҳат йўқ. Ўзининг бераҳмлиги ва киборлиги билан ном чиқарган Удей Миллий олимпия қўмитаси ва Футбол федерациясига бошчилик қилган. Афсуски, у халқаро турнирларда мағлуб бўлиб қайтган спортчиларни азоблаш, ўзининг душманларини эса ўлдириб юборишгача бориб етган. Хусусан, мамлакат футбол жамоаси чет элдан ютқазиб келса, ўйинчилар ва мураббийларини ҳақоратлаб, уларни қуёш тафтида қизиқ турган асфальтда суд-

Хатто президент хавфсизлик хизмати ҳам унинг назоратига ўтганди. Табиатан оғир ва барча ишларни ҳисоб-китоб билан бажаришга одатланган Кусей оммавий тадбирларда отасининг ёнида бўларди. У доимо зимдан иш юритганлиги боис "Илон" номини олган эди. Бераҳмлиқда акасидан қолишмаган Кусей Хусайн мамлакат қамоқхоналарида сақланаётганларнинг сонини камайтириш учун маҳбусларни оммавий кириб юборган. Хатто уларнинг айримларининг таналарини қиймалагичдан ҳам ўтказишгача бориб етган.

САДДАМНИНГ ОВОЗИ ЯНА ЭФИРДА

Ўғиллари ўлган куннинг эртасига "Ал-Арабия" телеканали Саддам Хусайннинг навбатдаги



аудиоовозини эфирга узатган. Унда собиқ диктатор уруш ҳали тугамаслигини ва ироқликлар америкаликларга қарши чиқишини айтган. "Агарда америкаликлар ҳарбий жиҳатдан устун келсалар-да, лекин бизни руҳан чўктира олмайдилар" дея айтилган аудиотасмадаги ёзувда.

БУШ: ЭСКИ ТУЗУМ ҚАЙТИБ КЕЛМАЙДИ

55 кишилик "қора рўйхат"дан иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллаган Кусей ва Удейларнинг ўлимини собиқ тузум қайтиб келмаслигидан дарак беришига қийинча Кўшма Штатлар президенти Жорж Буш америкаликлар тезроқ ҳокимиятни ироқликларнинг ўзларига топшириш-

ҚАНОТСИЗ ҚОЛГАН ДИКТАТОР

Ироқдаги урушга етакчилик қилган Кўшма Штатлар томонидан Саддам Хусайннинг боши учун 25 млн. АҚШ доллари, унинг ўғиллари Удей ва Кусейларнинг ҳар бирининг боши учун 15 млн. доллардан пул мукофоти эълон қилинган эди. Гарчи бугун нарх жиҳатидан "Ал-Қоида" ташкилоти раҳбари Усама бин Лоден ва унинг биринчи ўринбосари Айман ал-Завахирийлар билан тенглаштирилган Саддамнинг ўзи топилмаётган эса-да, лекин бу ҳафтада унинг ўғиллари Удей ва Кусейлар Мосул шахрида ўтказилган операция чоғида ўлдирилганлар.

ИНФОРМАТОРГА 30 МИЛЛИОН ДОЛЛАР БЕРИЛДИ

Кўшма Штатлар ваъда қилингандек, Удей ва Кусейларнинг ўлдирилишида ёрдам берган кишига 30 млн. доллар миқдорда пул берган. Ҳозирда информаторни яшириниб юрган Саддам тарафдорларидан ҳимоя қилиш учун америкаликлар уни ўз назоратига олганлар. Айрим манбалар эса информатор бегона киши эмас, балки Удей ва Кусейларнинг тоғалари, яъни америкаликлар томонидан қуршаб олинган уй эгаси шайх Навоф ал-Зайдан Муҳаммад эканлигини билдирмоқдалар. Негаки, у ўғли билан бирга иттифоқчиларга таслим бўлганидан кейин, улар тушган машина номаълум томонга йўл олган. Шунингдек, собиқ президент ўғиллари турган манзилни фақат энг ишонарли кишиларгина билишлари мумкинлиги



га ҳаракат қилишаётганлигини айтган. Шунингдек, у яқинда тузилган 25 кишилик Бошқарув Кенгашининг фаолиятини ижобий баҳолаган ва ҳадемай янги конституция лойиҳаси устида ишлашга киришилиши ҳамда жорий йилда янги валюта муомалага чиқарилишини ургулаган.

Жорж Буш маъмуриятининг Ироқдаги вакили Пол Бремер эса биринчи галда мамлакатда кўнгилилардан таркиб топган миллий армия тузилишини, чегаралар хавфсизлиги таъминлишини, таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари тикланилишини маълум қилган. Хусусан, бугун мактаб ўқувчилари учун Саддам Хусайн суратлари туширилмаган (чизилмаган) янги ўқув дарсликлари чоп этилиши режалаштирилмоқда. Оқ уй маъмурияти Ироқдаги тикланиш жараёнларига 1,7 млрд. доллар ажратган бўлса-да, лекин бу маблағ етмаслиги, шунинг учун нефть қазиб олишда дунё бўйича Саудия Арабистонидан кейин иккинчи ўринда турадиган Ироқнинг "қора олтин"ларидан тушадиган даромадлари ҳам бу жараёнга жалб этилиши кутилмоқда.


"Интернет" хабарлари асосида Камолiddин АЛИОХУНОВ тайёрлади.



мана шу ҳолат десантчиларнинг қуролли ҳужумга ўтишларига сабаб бўлади. Аввалига иккита "Kiowa" вертолётидан отилган ракеталар уйга келиб тушганидан сўнг, аскарлар тўртта "Humvees" вездеход (ҳар қандай жойда юриш имкониятига эга бўлган машина)лари ва катта калибрли винтовкалар билан бинони ўққа тутадилар. Олти соатларча давом этган қуршовдан кейин уй ичидан тўрт кишининг жасади олиб чиқилади. Ҳарбийлар фикрича, жасадларнинг иккитаси Саддам Хусайннинг ўғиллариники, биттаси унинг 14 ёшли набираси (Кусейнинг ўғли) Мустафониники, қолган бир жасад эса тансоқчи вазифасида хизмат қилган Абдул Самад исмли кишиники бўлиши керак.

"БҮРИ" ВА "ИЛОН"

Катта ғалабага эришган АҚШ мурдаларни Мосулдан Бағдодга, кейин эса ўзининг Мэриленд штатига олиб келган. Мақсад уларни ДНК таҳлилидан ўтказиб, ҳақиқатан ҳам жасадлар Удей ва



Кусейларга тегишли эканлигини исботлаш. Ҳозирда эса мутахассислар шу иш билан шуғулланмоқдалар. Жасадларни таниш борасида ўтказилган биринчи

ган Ироқнинг собиқ бош вазири Тарик Азиз эканлиги айтилмоқда. Дастлабки хулосаларга кўра, майитлар ҳақиқатан ҳам диктатор ўғиллариники. Негаки, уларнинг бирининг оёғида эски ўқ жароҳатининг излари бор. Айнан 1996 йил 12 декабрь куни Удейга нисбатан уюштирилган суиқасд вақтида у оёғидан яраланган эди. Чандиқ ўшандан қолган бўлиши керак. Кўшма Штатлар кенг жамоатчиликини, хусусан, Ироқ халқини ишонтириш мақсадида жасадларни суратга олиш учун оммавий ахборот воситаларига рухсат берган ва суратлар бутун дунёга ошқор этилган. Айрим манбаларга кўра, Удей Хусайн асир тушмаслик учун ўз жонига қасд қилган бўлиши керак. Негаки, унинг бошидаги ўқ жароҳати худди шундай ҳолатдан дарак беради. Ироқликлар томонидан "Бўри" ва "Илон" номини олган ака-укаларнинг каттаси 39, кичиги эса 37 ёшда эди. Улар асир тушмаслик учун соқол ва мўйлов қўйиб, ташқи қиёфаларини ўзгартирганлар. Жасадларни кўрган "Рейтер" агентлиги фотомухбирининг айтишича, Удейнинг юзидаги жиддий жароҳатига қарамасдан уни таниб олиш мумкин. Кусейнинг

ралиб юриш ҳамда бетонли деворни тепишга мажбур этган. Бундан ташқари, у кизларга нисбатан суюқоқлиги билан ҳам ном чиқарган. Шунинг салбий таъсири ўлароқ, 1996 йил унга нисбатан уюштирилган суиқасд Удей тегажоглик қилган аёлнинг эри томонидан амалга оширилган. Ва олган жароҳати натижа-сида у бир неча мuddат ногиронлар аравачасида юришга мажбур бўлган. "Саддам: террор қирол" китоби муаллифи Кон Коллиннинг ёзишича, Удей ёшлигида ҳам тўполончи ва беодоб бола бўлган. Улғайганидан сўнг эса ичкилик туфайли оиласидан ажралган. Удей бир гал хотини билан рақсга тушишга розилик бермаган офицерни, сўнгроқ эса 1998 йил отасининг энг ишонган тансоқчисини ўлдиртириб юборган. Унинг айнан шу қилмиши отасининг катта ўғлига нисбатан фикрлари ўзгаришига сабаб бўлади. Ва Саддам Хусайн ўзидан кейин тахтга ворисликка кимни қўйиш ҳақида ўйлай бошлаган. Бу пайтга келиб, ҳукуматнинг хавфсизлик ва разведка хизматлари раҳбарлигини эгаллаган кичик ўғил Кусей Ироқда дадасидан кейин иккинчи рақамли шахсга айланиб улгурган эди.



ҳам тахминлар ҳақиқатга яқин эканлигига хизмат қилади. Кузатувчилар фикрича, ака-уканинги жасадлари Ироқдан ташқарида куйдириб юборилиши мумкин. Боиси, улар Ироқда дафн этилсалар, у ҳолда Удей ва Кусейларнинг қабрлари зиёратгоҳга айланиши эҳтимолдан холи эмас.

МАХМУД АББОСНИНГ ВАШИНГТОН САФАРИ

Кеча Вашингтонда Фаластин бош вазири Махмуд Аббос АҚШ президенти Жорж Буш билан учрашган, дея хабар беради "Ассошиэтед Пресс" агентлиги. Икки томон ўртасида кечган мулоқот чоғида асосий эътибор Яқин Шарқ можаросига қаратилиб, унинг ечимини айтилаётган "Йўл харитаси" режасини тўлиқ ҳаётга жорий этиш ҳақида гап борган. Абу Мазен номи билан ҳам танилган Фаластин бош вазири Иордан дарёси ғарбий қирғоқларида Исроил томонидан деворли тўсиқ қурилишидан хавотирланаётганлигини билдирган. Оқ уй раҳбари эса можарони ҳал этиш учун асосий омиллардан саналган қуролли гуруҳларнинг исроилликларга қарши ҳужумларига барҳам бериш борасида

Махмуд Аббосни янада фаолроқ иш олиб боришга чақирган.


АМЕРИКА АСКАРЛАРИ ЛИБЕРИЯГА КИРИТИЛАДИ

Кўшма Штатлар ўзининг учта ҳарбий кемасини Урта ер денгизига жойлаштирди, дея хабар беради "Рейтер" агентлиги. Кемалар бортида турган 2300 нафар денгиз пиёдачилари Либериядаги операцияларга жалб этилиши кутилмоқда. Айнан Либерияда юзага келган вазиятдан хавотирга тушган Ғарбий Африка давлатлари ҳам ўзларининг тинчликпарвар кучларини бу мамлакатга юборишни режалаштирмоқдалар. Либерияда эса амалдаги ҳукуматдан норози бўлган исёнчилар армияси пойтахт Монровидаги президент қароргоҳи томон интиломоқдалар. Қуролли тўқнашувлар сабабли шахар аҳолисининг акса-

рияти уларини тарк этиб, қочоқларга айланганлар. Либерия масаласи бўйича БМТ ҳам ўз йиғилишини ўтказган.

"АЛ-ҚОИДА" ЕТАКЧИЛАРИ ЭРОНДА

Ушбу ҳафта аввалида Оқ уй раҳбари Жорж Буш томонидан Эрон ва Сурия ҳукуматлари террорчиларга паноҳ бериш ва уларни қўллаб-қувватлашда айбланганидан сўнг, расмий Техрон ўз қамоқхоналарида сақланаётган жангарилар орасида "Ал-Қоида"нинг юқори




мартабали вакиллари ҳам борлигини маълум қилган. Бу билан Эрон ўз қамоқхоналарида "Ал-Қоида" етакчилари сақланаётганлигини илк бор тан олган. Лекин уларнинг номлари ошқор этилмаган. Аввалроқ эса хорижий оммавий ахборот воситалари Эрон қамоқхоналарида Усама бин Лоденнинг шахсий шифокори, "Ал-Қоида"нинг 2-рақамли раҳбари Айман ал-Завахири борлиги ҳақида хабарлар таркатган эди. Кўшма Штатлар томонидан 2001 йил 11 сентябрь воқеаларида айбланаётган ал-Завахирини ҳибсга олишда ёки йўқ қилишда ёрдам берган кишига расмий Вашингтон 25 млн. доллар мукофот берилишини эълон қилган.

"Интернет" тармоғидан олинди.

Вақт таътил муддатини якунига тобора етаклаётган дамларда ўқитувчи ўқувчилар ҳам янги ўқув йилини янги тарзда бошлашга тайёргарлик кўришмоқда. Яъни, ўқитувчилар янги ўқув йилида ўқувчиларга янги-янги маълумотлар бериш учун изланаётган бир паллада битирувчи ўқувчилар янги ўқув йилини ўрта махсус ёки олий таълим тизимида бошлашни ният қилганлар. Албатта, уларнинг бу борадаги тайёргарлиги жараёнида "Ma'rifat" газетасининг ҳам ўз ўрни бор.

Кўйида газетадан фикр оладиган ва унга фикр берадиган айрим муштарийлар мактублари берилмоқда.



«Ma'rifat»ga maktublar

Saxovat

Мактабимиз 1998 йилгача тўлиқ икки сменада фаолият кўрсатарди. Ёруғ, шинам, шароити етарли мактабларда ишлаш, ўқиш ва ижод қилиш ўқитув-

лиги Р.Мелибоев, ширкатлар уюшмаси раҳбари К.Жўраев, ота-оналардан ҳомийлар — Р.Мелибоев, А.Маматқулов, И.Муйдинов, Э.Эшматовлар ва қишлоғимиз аҳли бош-қош бўлди. 2002 йилда "Қўқон" ширкатлар

ОРЗУНИНГ ОҚ ҚАНОТИ

Мен бу йил кўпчилик тенгдошларим қатори 9-синфни битирдим. Ҳозирда олдимда турган энг катта вазифа — ўзим хоҳлаган таълим муассасасига ўқишга кириб, тахсилни давом эттириш. Мен яқинла-

Qaror

риш билан маслаҳатлашиб, академик лицейда ўқишни давом эттиришга ахд қилдим. Шу ўринда бир гапни таъкидлаш жоиз. Биз бу йил мактабни янги алифбода тугатган илк битирувчилармиз ва коллеж ёки лицейга бу алифбода ўқишга қабул

қилинадиган биринчи ўқувчилар бўламиз. Бундан мамнун эканимни айтган ҳолда мамлакатимизда таълим соҳасидаги туб ўзгаришлар сасамара бера бошлаганини ҳам таъкидламоқчиман.

Хуллас, мен ва тенгдошларим айна пайтда катта орзулар оғушидамиз. Лекин фақат орзу қилиш билан мақсадга эришиб бўлмаслигини ҳам англаганмиз.

Кутбиддин ШЕРАЛИЕВ,
Самарқанд шаҳар Сибё туманидаги
57-мактаб битирувчиси

Ehtirom

Бешариқ туманидаги Рапқон қишлоғида жойлашган 27-ўрта мактабнинг 11-«А» синф битирувчиси Ирода Ўсарова болалиги-

рилганди. Жорий йилда ҳам Бешариқ тумани ёшлари қатори битирув оқшомида Ирода ҳам "Аъло даражали" шаходатнома ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Бу рағбату эътибор Ирода ва унинг тенгдошлари учун юксак

ЭЗГУ ТИЛАК СИЗГА, АБИТУРИЕНТЛАР!

дан билим олишга, кўп ўқишга, изланишга интилади. Зиёлилар оиласида таваллуд топган Ирода ёшлигидан адабиётга меҳр кўйган. У бошланғич синфда "аъло"га ўқиди, ўтказилган мактаб, туман олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллади. 9-синфни битирган чоғида унга "Аъло даражали" гувоҳнома бе-

парвозларга қанот бўлишни истаймиз.

Айни пайтда барча битирувчилару бошқа абитуриентлар катта синов арафасида турибди. Шу боис Ирода опам ва барча тенгдошларига омад кулиб боқшини тилаб қоламан.

Умида УЗОҚОВА,
Бешариқ туманидаги
26-мактаб ўқувчиси

"Ёшлиқда эгалланган билим тошга ўйилган нақш кабудир", деган ҳикматли сўзни ҳар гал ўқиганимда, айрим ёшларнинг бу иборага бир қадар лоқайдлик билан қараётганидан афсусланиб қўяман. Айниқса, бугунги кунда мустақам билим эгаллаш даври ва имкониятларидан фойдалана олмаётган (балки истамаётган) ёшларни кўрсам ёки улар ҳақида эшитсам, уларнинг кейинги тақдири ёруғ келажакдан бебаҳра қолаётгандек туюлади, назаримда. Дилимни ачиниш ҳисси қамраб олади шундай дамларда. "Ҳой, тенгдош, замондан ортда қолма!" деб қайта-қайта таъкидлагим келади.

Юртимиз чекка туманларининг

биридан пойтахтга келиб ўқиётган бир талаба ўз қишлоғи Тошкентдан узок бўлгани боис кўплаб ёшлар хоҳиши бўлса-да, бу ёққа келиб ўқиш имкониятидан бирмунча йиқолди.

МАСОФА БАҲОНАМИ?

Айрим ота-оналар имкони бўлса-да, фарзандларини узокқа ўқишга жўнатганини ҳам таъкидлади ўша талаба. Ўйланиб қолсан киши: гап масофада эмас-ку? Майли, ўша ота-оналар фарзандларини пойтахтга

ўқишга жўнатмаган экан, ўз вилоятидаги олий ўқув юртига ўқишга жўнатгандир балки. Буёғи бизга қоронғу. Бу борадаги фикрим: фарзандининг ўқиши, биринчидан, унинг ёруғ келажagini таъминласа, иккинчидан, талаба бўлган йигит ёки қиз янги ҳаётга йўлланма олади. Яъни у ота-онаси бағридан йироқда, маълум маънода мустақил бўлади. Демак, талабалик — мустақил ҳаётнинг илк поғонасидир. Хуллас, абитуриент йигит-қизларга айтарим шу: ёшлиқда эгалланган билим бир умрга татийди. Шунинг учун-

Дилфуза АКБАРОВА,
Акмал Икромов туманидаги
228-мактаб ўқитувчиси

ДОИМ ТАЪЗИМДАМИЗ

чи ва ўқувчиларнинг орзуси эди. Ниҳоят, мактаб жамоаси ва ўқувчиларнинг бу нияти ушалди. Раҳбар ижодкор, изланувчан, тадбиркор бўлса, иш унумли ва яхши бўлади, деганларидек, жонқуяр раҳбар, болажон инсон Энахон Жўраеванинг саъй-ҳаракатлари, елиб-югуришлари натижасида туман халқ таълими бўлими раҳбарияти ташаббуси билан 420 ўринли мактаб биноси қашар йўли билан қуриб битказилиб, 1998 йил 2 сентябрь кунини тўлиқ жиҳозланган ҳолда ишга туширилди. Қишлоқ аҳли, ўқувчилар, мактаб жамоасининг ўша кунги қувончини тасаввур қилинг... Мактабда яна бир имконият, яъни 1999 йил ноябрь ойида "Қўқон" ширкатлар уюшмаси томонидан 10 млн. сўмлик 150 ўринли барча қулайликларга эга ошхона қурилиб, ишга туширилди. Бу ишга ТХТБ мудири Б.Абдуллаев, "Рўзмат ота" ҳиссадорлик фирмаси бош-

уюшмаси ер участкасини ободонлаштириш учун ўзлаштиришга берилди. Шундан сўнг қилинган ҳаракатлар натижаси ўлароқ, ҳозирги кунда катта бир боғ бунёд бўлди. Бундан ташқари, туман "Матлубот" савдо ҳиссадорлик уюшмаси бошлиғи Р.Мелибоев, ширкатлар уюшмаси раҳбари (А. Эшонқулов) томонидан 4000000 сўмлик инвентарь билан таъминланди. Туман ҳокимининг топшириғига асосан, мактабнинг 2000 квадрат метр ҳовлисига туман йўл-қурилиш бўлими томонидан 800000 сўмлик, "Қўқон" ширкатлар уюшмаси томонидан 600000 сўмлик асфальт ётқизилди. Шундай болажон, инсонпарвар, халқпарвар инсонларнинг саъй-ҳаракатлари билан мактаб тўлиқ имкониятларга эга бўлди. Биз мана шундай болажон инсонлар олдида доимо таъзимдамиз.

З.ИСОМИДДИНОВА,
Фурқат туманидаги
20-мактаб
директор ўринбосари

«ТЕЛЕСЕРИАЛЛАР ХОТИРАНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ(МИ?)»

Газетанинг жорий йилдаги 24 май сониди шу сарлавҳа остида берилган 1-Тошкент педагогика коллежининг 4-курс талабаси **Наргиза Валиева** билдирган фикр-мулоҳаза кўпчиликка маъқул бўлган бўлса, ажаб эмас. Негаки, телеканаллар орқали берилаётган бундай сериаллар икки томонлама ҳолатни вужудга келтирмоқда.

Синф раҳбари бўлганим учун бу ҳақда ҳақиқатда ўз фикр-мулоҳазамни қуйидагича баён этмоқчиман. Биринчидан, талаба қизининг уз касбига меҳри уйғонганлиги ва бу борадаги жонқуярлиги мени хурсанд қилди. Ҳақиқатан ҳам, ўқувчиларимиз дарсни ташлаб сериаллар тингловчисига (томошабинига) айланишган бўлса, иккинчидан, бозордаги ажойиб харидорга ҳам айланишган, яъни ўша телесериаллар қаҳрамонларининг расми тушган сақич, дафтар, календарь ва бошқа-бошқа нарсалар уларни узига тортмоқда. Дарслар орасидаги беш-ун дақиқалик танаффус ҳам ўқувчиларнинг дукончаларга чопиши

билан утиб кетаяпти. Ҳатто бошланғич синф ўқувчиларининг ҳам бунга қизиқиши жуда баланд ва бу уйлантиради-ган ҳолдир.

Юқори синф ўқувчилари эса сериаллар юзасидан уз фикр-мулоҳазаларини баралла билдириш билан бирга бир-бирларини уша қаҳрамонлар номи билан чақиритиладиган бўлгани, бозорга чиққан янги мато ҳам "Эсмеральда", "Моника", "Просто Мария", "Грацелла" номлари билан аталганига нима дейсиз? Бундан ўқувчиларимизнинг дунёқарашини кенгайтиришда яқиндан ёрдамни биз катталар бера олмаётганимиз, деган таҳликали савол туғилмайдими?

Яна бир тарафи — баъзан ўқувчиларнинг ўша сериаллар ҳақидаги фикр-мулоҳазасини тинглаб туриб, "Наҳотки фильмларга шунчалик эътибор билан қараша?" деб уйлаб қоламан. Негаки, уларнинг бири унисининг тарафини олса, бири бу образ ҳақида тўқинла-

ниб гапирди. Ота-оналарнинг сериалларни болалар билан бирга утириб олиб кузатиши ҳам одатий ҳолга айланиб бормокда!?

Бир ҳафтада учта сериалнинг кетма-кет ва турли вақтда берилиши янаям қизиқ. "Ўзбекистон" канали ҳар доим-гидай уз муддатидан 10-15 дақиқа кеч беради. Севиб томоша қилувчи эса уни кутади. Ўқувчи ҳам эртаси кунини эрта-лаб дарсга кечикишини уйламайди. "Ёшлар" канали эса 20-25 дақиқани реклама билан тўлдирди. Хуллас, бунга биз катталар, узимиз уртак булаётимиз ва ҳар соҳада узимиз йўл очиб бераётимиз.

Энг муҳими, эслаш — хотира қобилиятини мустаҳкамлайдими ёки уларнинг ёшига муносибми, йўқми, бунга ота-оналар эътиборсизлиги туфайли бола ҳам харидор, ҳам кечикувчи, ҳам дарсдан қолувчи ва лекин уз фикрини очик айтиб бера оладиган муҳлис бўлиб бораёпти.

Ҳа, мана сизга ҳақиқий "томошабин"лар, ҳаммасига, менимча, энг катта айбдор — биз катталар. Чунки меъёрдан ортқ телевизор қуриш кузга, айниқса, яқиндан курса, соғлиққа зарар ва бунинг устига кеч ётиб, эрта туриб дарс тайёрлашга улгура олмаганлар қанча!

Масаланинг яна бир тарафи бор. Мен шу масала юзасидан ўқувчиларим билан суҳбат-мунозара уюштирганимда, улар "Агар вақтни туғри ажрата олса, киши ҳаммасига улгуради. Фақат режа билан иш тутиш, яъни тунги ёки кундузгисини қуриш керак", дейишди.

Лекин бунда ҳам ота ва оналарнинг болага эътибори кучли бўлиши керак. Уларнинг назорати болага қўл келиб, вақтни туғри тақсимлай олиши лозим. Бунинг учун эса бири-бир катталарнинг урни ва назорати муҳим аҳамиятга эга.

Дилбар НОРМУРОВА
Термиз шаҳри

Саҳифани
Шерали НИШОНОВ тайёрлади.

Кувасой шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби кўплаб таниқли спортчиларни кашф этган. Ҳозирда ҳам бу ерда тарбияланаётганлардан умидли ёшлар етишиб чиқмоқда. Юртимизда оммавийлашиб бораётган "Умид ниҳоллари"нинг бу йилги спорт мусобақаларида шаҳар терма жамоаси умумжамоа ҳисобида 4-ўринни эгаллаган бўлса, энгил атлетика бўйича Т.Ваджинов Хоразмдан бронза медал билан қайтди. Шунингдек, "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг Республика босқичида Е.Белонлотова уч ҳатлаб узунликка сакраш бўйича олтин, узунликка сакрашда кумуш медал соҳиби бўлди. Э.Тошпўлатов 200, 400 метрли ҳамда эстафетали югуришда иккита бронза медалини қўлга киритди. И.Аникеевич узунликка сакрашда кумуш, Ж.Синагатулин 400 метрга югуришда бронза, эстафетали югуришда кумуш медал билан тақдирланди.

Мазкур спорт мактабининг тарбияланувчилари кўплаб спорт мусобақаларида шаҳар, вилоят шарафини ҳимоя қилиб келишмоқда. Ўзбекистон шаҳарлари кубоги мусобақаларида ҳам ўз кичик гуруҳларида биринчи ўрин кувасойликларга насиб этди.

Ҳозирда мактабнинг собиқ ўқувчилари, югуриш бўйича спорт усталигига номзод, 2002

йили Венгрияда ўсмирлар ўрта-сида бўлиб ўтган спорт мусобақаларининг қатнашчиси Д.Синагатулин Республика жисмоний тарбия институтининг 2-курсиди ўқимокда. Баландликка сакраш бўйича спорт устаси О.Курнаева Республика олимпия захиралари коллежини тамомлади. О.Мазуркеевич эса шу коллеж талабасидир.

Ёш спортчиларга 1-даражали "Соғлом авлод" ордени нишондори М.Болтабоев, юнон-

спорт анжомлари етишмас, майдонлар талаб даражасида эмас эди.

Шаҳар ҳокими Х.Қосимовнинг ташаббуси билан спорт мактаби ҳашар йўли билан тамоман қайта таъмирланиб, керакли спорт анжомлари билан таъминланди. Бу ерда футбол ўйингоҳи, югуриш, узунликка ва баландликка сакраш, волейбол, баскетбол майдончалари, бокс, кураш, аёллар шейпинг

на ва ташкилотлари, хусусий тадбиркорлар ўз улушларини қўшишди.

Айниқса, "Кувасойцемент", "Кварц", "Кувасой чинниси", 147-, 8-қурилиш ташкилотлари, шаҳар иссиқлик манбаи, темирбетон корхоналари, шаҳар коммунал хўжалик бўлими, ўқув илмий маркази каби саховатпешаларнинг ёрдами катта бўлди.

— Ҳозирда спорт мактабининг 700 нафардан зиёд ўқувчи ўз мураббийларидан спорт-

ҳар халқ таълими бўлими ихтиёрига топширилди.

Эндиликда бу ерда катта теннис билан бир қаторда стол теннис, шахмат-шашка каби спорт турлари билан ҳам шуғулланиш имкони туғилди.

Биз шаҳар ҳокими Х.Қосимов билан истироҳат боғида учрашдик. У киши боғни тартибга келтириш ишларида бош-қош бўлиб турган экан. Суҳбатимиз шаҳарда болалар спортини ривожлантириш борасида кечди. У кишининг фикрича, спорт билан нафақат болалар, балки катталар ҳам доимий равишда шуғулланиб туришлари шарт. Спортнинг оммавийлигини таъминлашда ҳар бир корхона, ташкилот ҳамда маҳалла кўмиталарида бирор тур бўйича шуғулланиш учун шароит яратиш зарур. Ҳозир шаҳардаги мавжуд 28 та мактабнинг 21 тасида спорт зали, 23 тасида стадион бор.

Келгусида мактабларда чўмилиш ҳавзалари, маҳаллаларда спорт мактаблари барпо этиш шаҳар ҳокимининг орзуси экан.

Ҳа, ташаббус ва ҳаракат бўлса, орзулар рўёбга чиқаверади. Саноат шаҳри бўлган Кувасой эндиликда спортчилар шахрига ҳам айланмоқда. Зеро, спорт саломатлик ва гўзаллик гаровидир.

Ақромжон
ТУРСУНАЛИЕВ,
«Ma'rifat»нинг махсус
мухбири

ТАШАББУСЛАР КЎПАЯВЕРСИН

рим кураши бўйича спорт устаси Э.Болтабоев, энгил атлетика бўйича спорт устаси И.Оноприенко каби кўплаб устозлар мураббийлик қилиб келишмоқда.

— Шуниси диққатга сазоворки, — дейди шаҳар халқ таълими бўлими муdiri вазифасини бажарувчи Н.Шаропов, — спортчиларимиз етарли бўлмаган шароитда ана шундай натижаларни қўлга киритиб келишди. Спорт мактабининг аввалги биноси мослаштирилган,

соғломлаштириш ва тренажёр заллари ташкил этилди.

Эндиликда бу спорт мактабига спортнинг 12 тури бўйича бемалол шуғулланиш имконияти туғилди. Буларнинг барчаси учун ҳомийлар томонидан 25 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлса, спорт анжомлари сотиб олиш учун 12 миллион сўм сарфланди.

«Ҳа, ҳашар — элга ярашар», деганларидек, бу савобли ишга шаҳарнинг 15 дан зиёд корхо-

нинг ўндан ортиқ тури бўйича сабоқ олишмоқда, — дейди шу мактаб раҳбари Ш.Йўлчиев. — Янги ўқув йили бошланиши билан уларнинг сони 2000 нафарга етади. Уларга бугунги кун талаби асосида билим бериш учун барча турлар бўйича мутахассислар етарли.

Дарвоқе, шаҳар ҳокимининг яна бир ташаббуси ҳам хайрли бўлди. Қурилиш ташкилоти тасарруфида бўлган, кейинги пайтда қаровсиз қолган теннис корти ҳам тўлиқ таъмирланиб, ша-

Bugungi kun muammosi

Спорт — миллионларни жалб қилган соҳа. Унинг нафақат саломатликни сақлашда, балки кишига обрў-эътибор келтиришдаги аҳамияти ҳам тан олинган ҳақиқатдир. Мамлакатимиз — спортчилар Ватани, ёшлари спорт билан шуғулланадиган Ўзбекистон келажакда спорт соҳасини юксалтириб қудратли давлатга айланади.

Мухбиримиз Қарши давлат университети жисмоний маданият факультети декани, миллий кураш бўйича беш карра Ўзбекистон чемпиони, тўрт карра кумуш медал соҳиби, бир қатор халқаро турнирлар иштирокчиси Норматполвон Жалилов билан суҳбатлашди.

— Норматполвон, энг аввало ўзингиз бошқараётган жисмоний маданият факультети ҳақида, иқтидорли спортчи талабаларингиз тўғрисида сўзлаб берсангиз.

ошиқ тўғарақ мунтазам тарзда фаолият кўрсатиб келаяпти. Бу тўғарақларда 500 нафардан ортиқ талаба спортнинг у ёки бу тури билан шуғулланишяпти. Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бошланган сай-ҳаракатлар натижаси сифатида айни кунда спорт тўғарақларимиз машғулотларида яқин атрофдаги 10 та маҳалла болалари фаол иштирок этишяпти.

— **Айтинг-чи, университетда, хусусан, ўзингиз раҳбарлик қилаётган миллий кураш тўғрагида ёшларнинг кўнгилдагидек шуғулланишлари учун шарт-шароитлар етарлими?**

— «Ҳа» деб айтса бўлади. Спорт ва кураш заллари бор. Кураш гиламлари муҳайё. Нима десам экан, баҳона эмас, имконият қидириб ишлаяпмиз.

— **Университетда спорт ишларини жонлантиришда фидойилик кўрсатаётган ва яна мумкин бўлса, номигагина «қимирлаб» юрган касбдошларингиз ҳақида ҳам гапира оласизми?**

— Ишонасизми, университетимиз спортчиларига бирор-та ҳомий ташкилот йўқ. Ягона ҳомийимиз—университет ректорати. Ҳозирги кунда нима шарт-шароит яратилган бўлса,

ЎН ЁШЛИ ГАЗЕТА

Эҳтиёж кишини ҳаракатлантиради. Бу табиий ҳол. Истиклолнинг илк йилларида мамлакатимизда барча соҳалардаги каби спорт соҳасида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, юртимиз спорти, айниқса, миллионлар ўйини — футболни ривожлантириш борасида ҳам махсус қарор қабул қилинди. Бундан ўн йил муқаддам Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан яхши ниятлар билан "O'zbekiston futboli" газетасининг ташкил этилишидан муддао ҳам бу жараёни тезлатишдан иборат эди. Шундан сўнг бирин-кетин бошқа спорт нашрлари юзга келган бўлса-да, уларнинг барчаси, бизнингча, мазкур газетанинг таъбир жоиз бўлса, давомчилари саналишади.

Айни кунларда "O'zbekiston futboli" газетаси жамоаси ўзининг ўн йиллик тўйини нишонлаётди. Айни сана муносабати билан бугун пойтахтдаги "ЖАР" спорт-соғломлаштириш мажмуасида футбол мусобақаси ўтказилади. "O'zbekiston futboli" газетаси тахририяти ҳамда Ўзбекистон Футбол федерацияси ҳамкорлигида ташкиллаштирилган мазкур мусобақада ўз тўйини нишонлаётган газета жамоаси, ЎФФ фахрийлар жамоаси, Ўзбекистон телерадиокомпанияси ва бир неча газета тахририятларидан тузилган жамоалар ўзаро куч синашадилар.

"Ma'rifat" газетаси тахририяти жамоаси ҳам "O'zbekiston futboli" газетаси тахририяти жамоасини ўн йиллик тўйи билан муборакбод этиб, уларнинг захматли фаолиятига омад тилайди.

Шер АЛИ

ШАХМАТ

Ўтган ҳафта Республика шахмат-шашка клубида ўтказилган "Тошкент ёзи — 2003" мусобақасида 49 нафар ишқибоз швейцарча усулда голиблик учун баҳс олиб боришди. Мурсасиз кечган учрашувларда 9 имкониятдан 7,5 очко тўплаган андижонлик шахматчи, Ўзбекистон чемпионатининг бронза медали соҳиби Фаррух Каримов 1-ўрин соҳиби бўлди. Еттидан очко жамғарган тошкентлик спорт усталигига номзод Олим Тошев ва Мўмин Абдуллаевлар коэффицентларига кўра, навбатдаги пононаларни эгаллашди.

Сешанба кuni мазкур клубда шахмат бўйича "Аёллар фестивали"га ҳам старт берилди. Аёллар таснифида 1800 очко жамғарган ва ундан юқори кўрсаткичга эга шахматчилар фестивалда иштирок этишмоқда.

Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги 14-мактаб томонидан 1997 йилда Мирзабеков Айбек Темирович номига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги шахмат ҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Давлат университети қошидаги С.Сирождидин номидаги лицей-интернат томонидан 1996 йилда Меликулов Сирождидин Жалилович номига берилган UZA № 129136 рақамли тўлиқ ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Республика Таълим маркази ва кўп сонли тил жамоатчилиги Бухоро давлат университети профессори **Асқар ҒУЛОМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

СПОРТЧИГА ҲОМИЙ КЕРАК

— Сўз бошида шуни айтийки, ўзим ҳам 1991 йилда шу даргоҳнинг жисмоний маданият факультетини тугатганман. Аввалига спорт мактабларида, 1998 йилдан буён ана шу факультетда ишлаяпман. Айни пайтда факультет декани ҳамда "Маданият асослари" кафедрасида ўқитувчи ва яна миллий курашимиз бўйича мураббийлик қиламан.

Факультетимизда 235 нафар талаба таҳсил оляпти. Уларнинг 12 нафари қизлар, холос. Қувонарли томони шундаки, ана шу қизларнинг 11 нафари спорт устаси. Улар орасида нафақат республикамизга, балки жаҳонга танилган иқтидорли спортчиларимиз ҳам бор. 4-курс талабаси Софья Каспүлатова спортнинг "Каратэ—ДО" тури бўйича Осиё чемпиони, 2-курс талабаси Моҳирахон Нуралиева миллий кураш бўйича Осиё чемпиони. Яна бир талаба қизимиз—Фазилатхон Омонкулова миллий кураш ва дзюдо курашлари бўйича ҳам республика, ҳам Осиё чемпиони.

Умуман, факультетимиз талабалари орасида 17 нафар спорт устаси, 36 нафар спорт усталигига номзод, 97 нафар 1-даражали спортчилар бор.

Университетда бевосита жисмоний маданият факультети раҳбарлигида спортнинг 14 та тури бўйича 20 тадан

ректор Гулмирза Худойбергеновнинг кўмаги билан амалга ошган. Касбдошларимдан Константин Смирнов, Мурод Мадаминов, Абдусайд Умаров, Қахрамон Баратов, Фурқат Қаҳқоров ва талабалар спорт уюшмасининг раиси Наим Бозоровларни ўз ишининг фидойилари деб биламан. Номигагина «қимирлаб» юрган касбдошларимиз ҳам йўқ эмас. Аммо, мени кечиринг, уларнинг номларини газета орқали айтишга андиша қиламан.

— **Норматполвон, полвонлар одатда тўғрисида, чўрткесар ва адолатпарвар бўлишди. Ҳеч бўлмаса, муаммолар хусусида икки оғизгина гапиришга истиҳоло қилмассиз.**

— Муаммолар йўқ эмас. Биринчи галда спорт залларини қиш мавсумида кўнгилдагидек иситиш, машғулотлардан сўнг ювиниш хоналарини тўлиқ ишга тушириш керак. Яна ўша гап. Бизга шахий ва саховатли ҳомийлар керак. Энг муҳими, университетимиз қошида жисмоний маданият йўналиши бўйича магистратура очилиши керак. Ана шунда вилоят таълим муассасалари етук кадрларга эга бўлади.

Абдували ОБИДДИН суҳбатлашди.

Voqea

Муаллимликнинг ўзига ҳос гашти бор. Кўча-кўйда саломга кўмиласан. Ахир, ўқиётгани ва ўқитганларинг қанча. Улар бозор-ўчарда ҳам, автобус, ошхонада ҳам дуч келаверади. Шунинг учун ҳамма жойда ҳам хушёр тортиб юришга тўғри келади. Масалан, бир неча киши билан кетаётсанг, шундай қаршиндан бир бола чиқадию, "Ассалому алайкум, муаллим"

— Балли, азамат, балли, — деб кифтига қоқиб кўйдим.

Кунлардан бир кун икки киши бўлиб кўчада кетиб бо-раётсак, қаршимиздан ўша ўсар чиқиб қолди. Ғоят очик чехра билан саломлашдик. Ўсар узоқлашгач, йўлдошимга:

— Қўли гул бола. Қурилишда кўтарма кранни бошқаради, — дедим.

Йўлдошим мийиғида кулди.
— Санамай саккиз деманг, домла. Аксинча, қўли эгрини қидирсангиз, тўшпа-тўғри ўша-

— Элик сўмлик сомсани юз сўмдан ҳам пуллайсанми, томоғинг тешилгур? Яна кимни, гўдакларни алдаясан-а? Мактабда бошқа нарса бўлмаганидан кейин сенга ўхшаганларнинг пиёз сомсасини олиб ейишадими? Улар нимани ҳам билишарди. Шу норасидаларнинг ризкига шерик бўлгунча, тошни есанг бўлмайдимми?!

Сотувчи сўкинди, шекилли, жувон кўлидаги соябон билан ҳамла қилди. Кишилар орага тушишди. Жувон баттар жав-

Qissadan hissa

МЕТМАТА# МАЁҚ ЗАРБИ

деб кўяди. Бундан ёнингдагилар баҳраманд бўлолмайдими. Ушанда хижолат чекиб, нокулайликни кўтариш учунми ёки фахрлиниш кайфияти пайдо бўлади-ми:

— Дуруст бола, мактабда аъло ўқир эди. Ҳозир фалон жойда ўқияпти ёки ишлаяпти, — деб беихтиёр изоҳ берасан.

Ўсар ҳам менинг кўлимда тўрт йил ўқиган. Уни тез-тез учратиб тураман. Ҳар гал учрашганимизда ҳурматимни жойига кўйиб кетади. Бир гал меҳрим тошиб, нима иш қилаётганини сўраб қолдим.

— Ҳунар-техника билим юртини тамомладим. Қурилишда кранчи бўлиб ишлаяпман, — деди.

нинг ўнгиридан тутаверинг. Бизнинг идорада омборхона мудирини бўлиб ишларди. Ҳаш-паш дегунча анча нарсани сув қилиб юборибди. Томоғини қилтилла-тиб турганда гиппа бўғиб олдим. Ўша куниеқ калишини тўғриладим.

"Ҳа, ҳам" дедим. Йўлдошимнинг юзига тик қараб баҳслаша олмадим. Юзим ловулай бошлади. Бу—тўқимаган бўлсам ҳам, гапимнинг ёлғон чиққанидан бўлса керак. Ҳамон ўша одамни кўрсам, хижолат бўлиб кетаман.

Бир куни мактаб қаршисидаги бекатда қий-чувнинг устидан чиқиб қолдим. Бир аёлнинг гаплари кулоғимга баралла эшитилиб турарди:

рай бошлади.


— Олган тарбиянгга лаънат! Тўрт мучанг соғ бўлса, ҳалол кун кечирсанг, ўласанми? Ёш бошингдан қилмишинг қитмирлик.

Мен ҳам қизиқсиниб, ўзимни тўдага урдим. Сомса тўла тоғора қаршисида оқ халат кийиб, кекирдагини чўзиб ўсар турарди. Салом бериб қолишдан чўчиб, оломонни турта-турта орқага чекиндим. Ва бошимни эгиб, дуч келган томонга жўнаб қолдим. Таёқни-ку, ўсар еди, ammo менинг бошим ҳам лўқиллаб оғирди.

Эътиқод ОТАКУЛОВА,
Термиз шаҳридаги 10-ўрта
мактаб ўқувчиси

«ҚУЁШ» ЦИКЛОКРОССВОРДИ

1. Давлатнинг рамзий белгиси.
2. Тоқ рақам.
3. Чорва маҳсулоти.
4. Гапирувчи қуш.
5. Бир тана, икки шохли дарахт қисми.
6. Қуръони карим сураси.
7. Оламнинг гелиоцентрик маркази.
8. Физик катталиқ.
9. Металл майда пул.
10. Иморатнинг ёғоч қисми.
11. Тунги қуш.
12. Узум нави.
13. Мева.
14. Инерт газ.
15. Ҳарбий техника.
16. V гуруҳдаги кимёвий элемент.
17. Инсон вужудидаги ҳиссиёт.
18. М.Лермонтов по-



эмаси.
19. Ҳашоратдан олинадиган маҳсулот.
20. Вақт ўлчо-ви.
21. Чўпон қурол.
22. Фалла зараркунандаси.
23. Сайёра.
24. Йил ойи.
25. Катта антил оролидаги давлат.
26. Энг кичик туб сон.
27. Африканинг шимоли-шарқидаги мамлакат.
28. Радиоактив элемент.
29. Фарғона вилоятидаги туман.
30. Ёр.
31. Ҳафтанинг хосиятли куни.
32. Хамирли суюқ таом.
33. Бошқоқли экин.
34. Ёзма иш тури.
35. Тоға - ...
36. Фарбий Осиёдаги давлат.

Тузувчи:
Турсунали
ФАНИЕВ

Гунгеснинг рекордлар
китобидан

ЭНГ УЗОҚ ДАВОМ ЭТГАН ДАРС



Венгриянинг Печ шаҳридаги Клара Леова номидаги ўрта мактабда бўлиб ўтган венгр тили ва адабиёти дарси 24 соатга чўзилди. Ўқитувчи Шаболч Залай 34 ўқувчига 18 июндан 19 июнгача (1999 йил) бўлган муддатда таълим бериб чарчамади ҳам.

ЭСКАЛАТОРДА РЕКОРД

Шри Ланкалик Аруланантам Сареш Яким Барвуддаги (Австралия) "Уэстфилд" савдо марказидаги эскалаторга 145 соату 57 минут давомда чиқиб тушган. Унинг 25 майда бошланган "саёҳат"и 31 майда (1998 йил) ниҳоясига етган ва у 225,4 км масофани забт этган.



ЭНГ КўП ИЛОН "ЎПИШ"



АҚШлик Гордон Кейтс навбати билан дунёнинг энг захарли 11 та илонидан "бўса" олди (1999 йил 25 сентябрь). У ўнта кўзойнакли илон ва битта 5,57 метрли қирол илонни "ўпиш"-дан ҳам кўркмади.

ХАВОДА ЖАҲОН БЎЙЛАБ ЭНГ ТЕЗ САЁҲАТ

FAI (Халқаро аэроавтлар федерацияси) талаблари асосида энг тез учиш мусобақаси 1995 йил 15-16 августда ўтказилган ва 31 соат, 27 минут, 49 секунд давом этган. Унда Франциянинг "Конкорд" самолёти рекордни кўлга киритди. "AF1995" самолёти Кеннеди аэропортидан (Нью-Йорк, АҚШ) кўтарилиб, фарб томон Тулуза, Дубай, Бангкок, Гуам, Гонолулу ва Акапулько орқали учган.




ЭНГ ҚИММАТ УЙ

1997 йилнинг 12 май куни машҳур сиёсий маслаҳатчи Эрик Хотунгнинг Гонконгдаги уйи ўзини танитишни истаман бойвучага 101 909 312 долларга сотилди.



ЭНГ ЙИРИК ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ КОМПАНИЯСИ

Токиода жойлашган "Nippon Telegraph and Telephone Corporation" (NTT) дунёдаги энг йирик телекоммуникация компанияси саналади. 2000 йилда компанияга 979 56 млн. доллар кириб, шундан 2821 млн. доллар соф фойда қолган.



Давронбек ТОЖИАЛИЕВ тайёрлади.

Ma'rifat

ТАБСИС
ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ
таълими вазири,
Ўзбекистон Олий ва
ўрта махсус таълим
вазири, Таълим ва фан
ходимлари касба
уюшмаси Марказий
Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ,
Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром
БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин
КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой
МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ,
Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир
ўринбосари), Ҳулқар ТҶИМАНОВА,
Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла
ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси
Давлат Матбуот Кўмитасида
№ 20 рақам билан 12 июнь
1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-566.
Тиражи 19619. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табак,
Офсет усулида босилган,
қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:
Ҳулқар ТҶИМАНОВА.
Навбатчи:
Шерали НИШОНОВ.

"Ma'rifat"дан материалларни кўчириб босиб
таҳрират русмати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳриратга юборилган материаллар муаллифга
қайтарилмайди.

© белгиси остида реклама материаллари берилди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий
таълим йиғиликлари бўлими, мактабгача ва мак-
табдан ташқари таълим йиғиликлари бўлими —
136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт йиғи-
ликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим
йиғиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналти-
риш ва ўрта махсус таълим йиғиликлари бўлими —
136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида
Ляля БИНАШЕВА
ва Милоҳат ТОШОВА
саҳифаллади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акционерлик компанияси
босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон»
кўчаси 41-уй

Босингга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00